O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 21 август, жума № 34 (2317). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 21 августа, 2009 год, № 34 (2317). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

БУГУН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ЖАБҲА ВА СОҲАСИНИ ОЛМАЙЛИК, ЭРКИНЛИККА ВА ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН, ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИ, БИЛИМИ ВА КУЧ-ҚУДРАТИГА ИШОНГАН ХАЛҚИМИЗ ЎЗИНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ БИЛАН ҚАНДАЙ БУЮК МАРРАЛАРГА КЎТАРИЛИШГА ҚОДИР ЭКАНИНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ БЕРМОҚДА.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият беришини ҳамда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойиллари асосида икки ва кўп томонлама самарали ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Д.Петреус самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. У шунингдек, Афғонистонда барқарорликни мустаҳкамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга Ўзбекистон муҳим ҳисса қўшаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – АҚШ муносабатларининг истиқболига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

14 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини, жумладан: "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ишида Сенат муҳокамасига киритилаётган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185^2-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги ва бошқа қонунлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида гуманитар соҳани жўшқин ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган қонунлари, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунларни ҳам кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган суратга олган.

Ҳур юртим осмонида шунқор, лочинман!

ШУ СОНДА

Маҳорат ва салоҳият мужассам	2	Комета думида аминокислота	10
В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки	3	Улуғ айём тадориги	11
Торжества в честь военных авиаторов	4	Экранли либослар...	17
Прошли проверку на стрельбах	6	Муҳаббат боғининг таровати бўлакча	20
Истеъдодларни руҳлантираётган танлов	8	TV дастур	22-23

4 СЕНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

МУСАФФО ОСМОНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

6 ВОЕННЫЕ ПРОФЕССИОНАЛЫ

ПРИМЕР ДЛЯ ПОДЧИНЕННЫХ

12 МАҲОРАТ

ЭГАЛЛАЙМИЗ САБОҚЛАРНИ МАРДЛИК, МАТОНАТ ИЛА

19 СПОРТ

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

ЖАРАЁН

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

МАҲОРАТ ВА САЛОҲИЯТ МУЖАССАМ

Фан-техника ва ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланаётган, мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ тус олаётган ҳозирги замонда улар ҳақида маълумотга эга бўлиш, замонавий билимларни ўзлаштириб бориш катта аҳамиятга эга. Шу боис, барча соҳаларда кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, замон талаблари даражасидаги мутахассислар бўлиб шаклланишлари давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифага масъул бўлган ҳарбий хизматчиларнинг маҳоратини ошириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол, моҳир, профессионаллар сифатида камол топишига эришиш, бу орқали миллий армиямизнинг қудрати ва нуфузини оширишга жиддий эътибор қаратиб келинади.

Куни кеча Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳузуридаги офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида навбатдаги битирувчиларга сертификат ҳамда кўкрак нишонларини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди. Унда факультет шахсий таркиби, Мудофаа вазирлиги ва билим юрти раҳбарияти ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этишди.

– Ватан ҳимоячиси бўлиш зиммамизга улкан масъулият юклайди, – дейди майор Абдузали Бўтаев. – Юрт тинчлиги, эл осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини қўриқлаш биздан сергаклик, ҳушёрликни, қолаверса, профессионалликни талаб қилади. Халқимиз шарафли касб эгаларига ишонч ва ҳурмат кўзи билан қарайди. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Давлат ва эл ишончини оқлаш, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тўғри ва ностандарт қарор қабул қила билиш, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш олий бурчимиздир. Бугунги таҳликали замонда ҳарбий хизматчи нафақат жисмонан кучли, маънан баркамол, шу билан бир қаторда, соҳага оид билимларни пухта ўзлаштирган, қўл остидаги посбонларга шахсий намуна кўрсатишга қодир, юксак ахлоқий-руҳий фазилатларга эга бўлиши талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, факультетда таҳсил олиш жараёнида ўқитувчиларимиз айни шу жиҳатларга эътибор қаратишди.

— Офицерларга сабоқ беришда улардаги етакчилик ва интеллектуал қобилиятларни ривожлантиришга, дунёқарашларини кенгайтириш ҳамда соҳага оид назарий билимларни пухта ўзлаштиришларига аҳамият қаратдик, – дейди факультет ўқитувчиси, Қуролли Кучлар фахрийси Д. Тўланов. – Ўқув жараёнига компьютер технологияларини, таълимнинг замонавий воситаларини фаол тарғиб этдикки, бундан ҳарбий хизматчиларнинг кундалик фаолиятлари фантехниканинг сўнгги ютуқлари билан чамбарчас боғланиши, зарур ахборотларни тезкорлик билан қўлга киритиш ва йўллаш, хизмат мобайнида улардан унумли фойдаланишга эришишдек эзгу мақсад кўзланган. Ишонамизки, малака, тажрибасини оширган офицерлар хизмат жойларига қайтгач, қўл остидаги посбонларнинг ҳар томонлама билимли, етук Ватан ҳимоячиси бўлиб шаклланишларига муносиб ҳисса қўшадилар.

Таъкидлаш жоизки, малака оширган тингловчиларнинг деярли барчаси якуний синовлардан муваффақиятли ўтди. Тадбир давомида сабоқларда фаоллиги, соҳа сирларини ўзлаштиришдаги етакчилиги билан сафдошларига ибрат бўла олган офицерлар – Ўрозбек Усмоналиев, Ўткиржон Вафоев, Баҳром Мирзаакбаров, Шодиёр Абдулакимов, Фаррух Шарипов, Эркин Раджабов, Фаррух Маннопов, Ёқуб Муртозоевларга Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касбмаҳорати ва малакасини ошириш энг муҳим омиллардан бири этиб белгиланган. Шу боис Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратларини ошириш, уларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишига эътибор қаратиб тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди.

«Мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда ҳарбий прокуратура органларининг роли» мавзусида ўтказилган амалий-семинар машғулотида, истиқлолга эришишимизнинг тарихий аҳамияти, мустақиллик йилларида юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, эришилаётган ютуқларимиз ҳақида маълумотлар берилди.

Шу билан бирга мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадлар дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ҳарбий прокуратура органларига юклатилган вазифалар, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари ҳамда 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларининг мазмун ва моҳияти етказилди.

Машғулот давомида Бухоро давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, Бухоро вилоят ИИБ ва прокуратураси, Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлигининг масъул ходимлари Ўзбекистоннинг иқтисодий, маънавий ва сиёсий салоҳияти, мустақиллик даврида эришилган асосий ютуқлар ва уларнинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва вазифалари юзасидан маърузалар қилишди.

Амалий машғулотлар сўнгида иштирокчилар билан тарихий обидаларга зиёрат уюштирилди.

Адлия капитани Ш. ҲАЙДАРОВ,
Республика Ҳарбий прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Давра суҳбати тарзида ўтган мазкур анжуман «Мустақиллик – биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деб номланди.

Тобора яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги олдидан бўлиб ўтган ушбу тадбирда истиқлолга эришиш, бу йўлдаги курашлар, юрт тинчлигини сақлаш, миллий армиямизни шакллантириш йўлида қилинаётган ишларга эътибор қаратилди.

Ҳа, мустақиллик, ҳурлик туфайли унут бўлаёзган қадимий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз қайта тикланди. Энг асосийси, одамларимизнинг онги, тафаккури ўзгарди. Бугун ҳар бир юртдошимиз шу Ватан меники, мен унинг бугуни ва эртаси учун масъулман, деган ўй билан яшамоқда.

Халқимизнинг азалий орзуси бўлган энг азиз, энг улуғ неъмат бўлган мустақилликка осонликча эришганимиз йўқ. Бу йўлда не-не эркка ташна ўғлонлар жон фидо этдилар. Жуда кўплаб йўқотишлар эвазига қўлга киритилган мустақилликни сақлаб туриш ғоят мураккаб вазифадир.

Шу сабабли Истиқлолга эришилгач, мамлакат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири – мустақиллигимизни, озод ва обод юртни муносиб ҳимоя қилишга қодир мустаҳкам Қуролли Кучларни тузишга қаратилди. Юртбошимиз раҳбарлигида юртимизда ҳарбий соҳани ривожлантиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Қисқа фурсатда ихчам, тезкор, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминланган, хавфсизлигимизни, миллий суверенитетимиз ва ҳудудий яхлитлигимизни ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз барпо этилди ва у босқичма-босқич ислоҳ этиб борилмоқда. Бугун профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. У муқаддас Ватанимизнинг ва бунёдкор халқимизнинг ишончли ҳимоячисидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўз маърузаларида бу ҳақда алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, бугунги кунда ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар, ҳарбий таълимни ривожлантириш, чақирув тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ишлар таъкидланди.

– Бугунги тадбирдан ғоят мароқландим, – дейди билим юрти курсанти Муҳаммадсоли Дўсқулов. – Айниқса, депутатларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, парламентнинг қонун ижодкорлиги салоҳияти, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар бизда қизғин таассурот қолдирди.

– Бундай анжуманлар посбонларда зарур ижтимоий-сиёсий билимларни шакллантиради, дунёқарашини кенгайтиради, – дейди офицер Шерзод Сафаров. – Шунингдек, қонун ишлаб чиқарувчи олий органга халқ сайлаган вакилларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишиш юрт ҳимоячиларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини оширади.

Тадбир давомида посбонлар томонидан берилган қатор саволларга анжуман иштирокчилари жавоб беришди.

Капитан Яшин КОМИЛОВ.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

МИРОВОЙ КРИЗИС И НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РЕАЛИЗАЦИИ АКТИКРИЗИСНОЙ ПРОГРАММЫ

Основное содержание заседания Кабинета Министров Республики Узбекистан, состоявшегося 17 июля 2009 года, на котором были подведены итоги социально-экономического развития страны в первом полугодии текущего года и выработаны дополнительные меры по преодолению последствий мирового финансово-экономического кризиса, было посвящено реализации приоритетных задач Антикризисной программы.

Материалы заседания Кабинета Министров воочию убеждают каждого непредвзятого человека в том, что Антикризисная программа действует и действует весьма эффективно. Республика Узбекистан, несмотря на ряд негативных факторов, вызванных кризисом и оказывающим свое отрицательное воздействие на нашу экономику, продолжает устойчиво развиваться, сохраняя высокие темпы роста экономики и избежав серьезных негативных последствий.

Вот основные показатели итогов первого полугодия. Валовой внутренний продукт в сравнении с тем же периодом прошлого года вырос на 8,2 процента, промышленное производство – на 9,1 процента. Прирост потребительских товаров составил 13,1 процента. Продукция сельского хозяйства выросла на 4,6 процента, при этом в текущем году собран небывалый урожай зерновых – 6 млн. 610 тыс. тонн. Объем строительных работ вырос на 32,5 процента, платных услуг – на 18,5 процента. Государственный бюджет исполнен с профицитом в размере 0,3 процента к ВВП. Рост реальных доходов населения составил 25,9 процента.

ЗА ПЕРВОЕ ПОЛУГОДИЕ 2009 ГОДА ВВЕДЕНЫ В ЭКСПЛУАТАЦИЮ 193 НОВЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ОБЪЕКТА, ИЗ НИХ В ЛЕГКОЙ И ТЕКСТИЛЬНОЙ ОТРАСЛИ – 32 ОБЪЕКТА, В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ – 67, ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ – 78.

Эти данные – наглядное подтверждение крепкого здоровья нашей экономики в условиях мирового кризиса.

В книге «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» Президент Ислам Каримов делает ряд важных выводов для нашей страны и всего мирового сообщества. Давайте посмотрим на некоторые из них через призму реализации Антикризисной программы и подчеркнем ее жизненную необходимость и мировое значение.

Первый. Президент обращает наше внимание на глобальность масштабов кризисных процессов. Значит, финансово-экономический кризис окажет негативное влияние и на нашу страну. Отсюда и необходимость Антикризисной программы, основу которой составляет опора на собственные силы. **Сегодня мировая общественность с уважением признает, что Узбекистан делает основную ставку на собственные финансовые источники и ресурсы и тем самым укрепляет экономическую и политическую независимость страны.**

На заседании Кабинета Министров было отмечено, что в условиях мирового финансово-экономического кризиса, когда по независящим от нас причинам резко упали спрос и цены на многие виды экспортной продукции, **ключевым фактором поддержания устойчивости экономики стало развитие внутреннего спроса на продукцию отечественных производителей,** в первую очередь за счет реализации программ развития производственной и социальной инфраструктуры, жилищного строительства, сферы услуг.

Второй. Кризис вскрыл серьезные пробелы в мировой финансовой системе и подтвердил необходимость ее глубокого реформирования, усиления контроля за деятельностью банков со стороны государства. Банки, как верно заметил в своей книге глава нашего государства, обслуживали в основном свои корпоративные интересы и увлекались различными спекулятивными операциями на кредитном рынке и рынке ценных бумаг. В противовес этому в нашей стране деятельность банков всегда находилась в центре внимания Президента Ислама Каримова. Еще задолго до кризиса, можно сказать, с 2000 года главное внимание государства было сосредоточено на обеспечении финансовой устойчивости и повышения капитализации коммерческих банков. Результаты этого внимания, как говорят, налицо. В 2008 году, то есть уже в условиях кризиса, **13 наших коммерческих банков получили международную рейтинговую оценку «стабильный».**

Для подтверждения крепости и стабильности нашей финансовой системы характерен такой пример. Один из крупнейших британских банков «Роял банк оф Скотланд» из-за ухудшения финансового положения сегодня вынужден закрывать ряд своих иностранных отделений. А совместный узбекский с «Роял банк оф Скотланд» **признан международным финансовым изданием «Евромания» одним из ведущих банков.** Все это говорит о надежности, устойчивости и стабильности банковско-финансовой системы Узбекистана, ее привлекательности и для простых граждан, и для иностранных инвесторов.

Третий. Масштабы, глубина и последствия финансово-экономического кризиса в каждом отдельном государстве будут зависеть прежде всего от прочности финансово-валютной системы, капитализации и ликвидности национальных кредитных институтов, а также от размеров золото-валютных резервов и способности оплачивать зарубежные кредиты. Здесь, думаю, нелишне подчеркнуть, что за первое полугодие 2009 года совокупный капитал банковской системы нашей страны вырос в 1,5 раза и на первое июля 2009 года составляет 2 триллиона 335 млрд. сумов. Достаточность капитала составляет 23,4 процента, что почти в 3 раза превышает международные нормы, установленные Базельским комитетом. И по внешним платежам общая текущая ликвидность банковской системы превышает 1,7 млрд. долларов, что в 10 раз больше текущих обязательств банков по внешним платежам в 2009 году.

Директор-распорядитель Международного валютного фонда г-н Доминик Стросс-Канн, недавно посетивший нашу страну, отметил: «Курс реформ, которому следует Узбекистан, отличаясь от подхода других стран, продемонстрировал свои преимущества, **банковская система Узбекистана не испытала негативного воздействия мирового финансового кризиса, осуществляет стабильную деятельность».** Вывод напрашивается сам: финансово-банковская система Узбекистана может служить моделью, эталоном для других стран.

Четвертый. Особое место в механизме противодействия кризису занимают вопросы устойчивости, диверсификации, конкурентоспособности экономики страны, ее восприимчивость к инновационным технологиям. Здесь надо подчеркнуть, что благодаря повседневному вниманию к этим вопросам со стороны главы государства Узбекистан за годы независимости глубоко интегрировался в мировую экономику, занял достойное место на мировых рынках, поставляя на них не только сырье, как было в недалеком прошлом, но и готовую продукцию текстильной, химической, автомобильной промышленности, строительной индустрии, кабельно-проводниковую продукцию и широкий спектр продовольствия. Только за последние три года внешнеторговый оборот республики вырос в 2,2 раза и составил на конец 2008 года 21,2 млрд. долларов США.

Процесс модернизации, технического перевооружения и диверсификации производства, широкое внедрение инновационных технологий активно продолжается и в этом году. В первом полугодии в республике осуществлялась реализация 667 производственных и инфраструктурных инвестиционных проектов в приоритетных отраслях экономики. За первое полугодие 2009 года введены в эксплуатацию 193 новых производственных объекта, из них в легкой и текстильной отрасли – 32 объекта, в пищевой промышленности – 67, промышленности строительных материалов – 78.

В числе важнейших приоритетов продолжает оставаться задача повышения уровня трудозанятости населения. За отчетный период создано 534,6 тысячи новых рабочих мест. В том числе 328 тысяч в сельской местности, 52 тысячи – в сфере надомного труда в кооперации с предприятиями. Это очень важный показатель на фоне растущей безработицы во многих странах мира и усиливающихся социальных потрясений.

Пятый. Выход из мирового кризиса и смягчение его последствий во многом зависит от согласованности принимаемых мер в рамках отдельных государств и мирового сообществ в целом, указывает глава государства. Согласованность принимаемых мер как единство действий, надлежащее соответствие возникшим задачам, как организованность противостоящих кризису действий. И тут нельзя не сказать, что **в нашей стране эта согласованность, благодаря организаторскому таланту и прагматизму Президента Ислама Каримова, стала образцом для всего остального мира.** Ислам Каримов не только в является автором Антикризисной программы, но и продумал до мельчайших подробностей суть всей организационной работы, по вертикали от Кабинета Министров и Олий Мажлиса до предприятия, показал как организовать дело на местах, на что направить главные усилия и что поставить во главу угла. На решение задач Антикризисной программы были мобилизованы все силы государственных структур, политических партий, общественных организаций и всего народа. И в этой кропотливой работе, если хотите, **в общенациональном поиске** еще и еще раз была подчеркнута руководящая роль государства-реформатора, доказана необходимость государственного регулирования и организующая роль государства, в модернизации, Техническом обновлении и диверсификации производства, широком внедрении инновационных технологий, в подготовке кадров, в решении все возрастающих задач охраны окружающей среды и разрешении фундаментальных задач социальной сферы.

Чтобы глубже осмыслить значение реализации Антикризисной программы и грандиозность ныне происходящего, надо не забывать, что кардинальная модернизация всех сторон нашей общественной жизни началась не сегодня. Она закладывалась с первых шагов независимости. И теперь **нам радостно сознавать неподдающийся процентному измерению, рожденный этой модернизацией высокий духовный тонус народа, атмосферу единства и сплоченности всех слоев общества вокруг Президента Ислама Каримова, которые стали на только духовной основой противостояния мировому кризису, но и ускорителем нашего дальнейшего продвижения к намеченным целям.**

Как очень метко заметил на недавнем «Круглом столе» преподаватель Тегеранского университета Бахром Амирахмадиен: «В Узбекистане люди верят своему правительству и главе государства».

Что касается согласованности принимаемых мер мировым сообществом, то пока они менее эффективны. Правда, на последней встрече глав государств «восьмерки» было высказано мнение, что пик кризиса миновал. Но это скорее политическое заявление, стремление выдать желаемое за действительное. Достаточно ежедневной информации, приходящей к нам из разных регионов планеты, чтобы понять, что кризис своих позиций не сдает и бить в ладоши еще рано. Надо работать, искать более действенные пути выхода из кризиса. Еще в конце XX столетия известный австрийский ученый-экономист профессор Отмар Корен писал: «Основой развития может быть лишь применение положительного опыта социального рыночного хозяйства». Сегодня такой опыт накоплен в Узбекистане. И передовые представители научной экономической мысли считают, что этот опыт необходимо изучать. Например, участник международного «Круглого стола» Джеральд Лофтус, представитель Европейского института международных отношений, говоря о книге И. А. Каримова, подчеркивает: **«Уверен, что сформулированная стратегия смягчения последствий глобальной финансовой рецессии будет полезна для многих стран».** В этом же русле высказывается и Виктор Гришин, ректор Российской экономической академии имени Г. В. Плеханова: **«Узбекистан обладает поистине уникальным опытом в формировании устойчивой социально-ориентированной рыночной экономики, который требует самого серьезного изучения».**

ЧТОБЫ ИЗБЕЖАТЬ НОВЫХ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОТРЯСЕНИЙ В БУДУЩЕМ, НАДО МЕНЯТЬ ОСНОВУ, ФУНДАМЕНТ, И МЕНЯТЬ КАРДИНАЛЬНО. А ПУТЬ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ ПРЕЗИДЕНТ УКАЗАЛ ТОЧНЫЙ. ИСЦЕЛЕНИЕ ОТ КРИЗИСА, ОБРАЗНО ГОВОРЯ, САМО СТУЧИТСЯ В ОТКРЫТУЮ ДВЕРЬ.

Опыт и успех, они идут рядом, но об успехе можно говорить лишь при опоре на дальновидные концепции всесторонне продуманных преобразований.

Как известно, мировой кризис возник не в результате ошибок отдельных государственных, политических деятелей, финансовых структур, хотя ошибки и имели место. Он возник, как результат развития мировой экономики и финансов на базе тех установок, которые были заложены в основу их функционирования еще в XX веке. Чтобы избежать новых социально-экономических потрясений в будущем, надо менять основу, фундамент, и менять кардинально. А путь преобразований Президент указал точный. Исцеление от кризиса, образно говоря, само стучится в открытую дверь.

Военнослужащие Вооруженных Сил, как и весь наш народ, с воодушевлением встретили итоги развития страны за первое полугодие. Они уверены, что на этом мы не ставим точку, а считаем лишь началом нашей общенациональной борьбы за расцвет независимой Родины, повышение ее экономической мощи и рост благосостояния народа, что реализация антикризиеных мер позволит нашей стране не только достойно противостоять угрозам и вызовам мирового кризиса, но и станет прочной основой для нашего дальнейшего продвижения вперед по пути обновления, прогресса и процветания. Итоги социально-экономического развития за первое полугодие вдохновляет солдат, сержантов и офицеров на самоотверженный воинский труд во имя Родины, на достойную встречу 18-летия нашей независимости и 2200-летия нашего прекрасного и дорогого сердцу каждого военнослужащего Ташкента, бесценной жемчужины нашего благословенного Узбекистана.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ЭХО ПРАЗДНИКА

ТОРЖЕСТВА В ЧЕСТЬ ВОЕННЫХ АВИАТОРОВ

В минувшую субботу в торжественной обстановке были проведены мероприятия, посвященные Дню Воздушного Флота Узбекистана. В этот день чествовали личный состав подразделений войск ПВО и Военно-Воздушных Сил.

С приветственным словом к военным авиаторам обратился первый заместитель Министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор А. Косьяненко, сердечно поздравивший их с профессиональным праздником, отметив весомый вклад в надежную защиту мирного неба нашей Родины.

Перед участниками торжества с докладом выступил заместитель начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил – командующий ВПВО и ВВС полковник Э. Машрапов.

С поздравлениями товарищей с этим праздником – Днем Воздушного Флота Республики Узбекистан – выступили также ветеран войск Мансур Урмеев, полковники Акбар Ярбабаев, Рустам Эминжанов и Рустем Рустемов.

Праздничные приказы Министра обороны, начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, командующего ВПВО и ВВС огласил подполковник Ахмад Бурханов. Согласно этим приказам большая группа военнослужащих за успехи в боевой и общественно-политической подготовке, высокую воинскую дисциплину были удостоены Памятных знаков Министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, Почетных грамот, ценных подарков.

Поистине детищем Независимости можно назвать Джизакское высшее военное авиационное училище (ДВВАУ). Поэтому в этом плане символичным стало награждение Почетной грамотой преподавателя ДВВАУ подполковника Равшана Турсунова. Военный инженер плодотворно трудится на кафедре устройства и эксплуатации летательных аппаратов и двигателей. Этим отмечен вклад всего высшего учебного заведения в дело подготовки военных летчиков для ВВС.

Традиционно в этот день чествуют и ветеранов войск, внесших большой вклад в укрепление обороноспособности страны. Так, приказом командующего войсками ПВО и ВВС Почетной грамотой и премией в связи с 75-летним юбилеем награжден подполковник в отставке Леонид Фещенко. Также за долголетнюю и плодотворную службу в рядах войск ПВО и ВВС был удостоен Почетной грамоты подполковник Хикмат Насриддинов.

Атмосферу праздника повысило и оглашение приказа Министра обороны о присвоении очередных воинских званий группе офицеров войск ПВО и ВВС, выслуживших установленные сроки службы.

В преддверии праздника были проведены состязания среди личного состава частей ВПВО и ВВС, управления войск по волейболу и футболу. И теперь на торжествах были объявлены победители и призеры. Так, по волейболу победителем чемпионата ВПВО и ВВС стала команда под началом майора Ирискула Мусакулова, второе место заняла команда майора Тохира Узукова. А третье место досталось команде подполковника Рустама Насриддинова.

В состязаниях по футболу команда майора И. Мусакулова смогла занять третью ступень пьедестала почета. Только в решающем матче команда капитана Баходира Ильбаева уступила пальму первенства команде сержанта Низома Насретдинова, ставшей победительницей.

Концерт артистов Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил стал настоящим украшением торжества. Звучали песни о военных летчиках, а искрометные народные танцы будто звали зрителей присоединиться к ним.

– Приятно в такой день ощущать большую заботу о военной авиации со стороны командования, – делится впечатлениями майор Мухаммаджон Зияев, награжденный Почетной грамотой. – Однако это внимание также обязывает нас еще упорнее и с большей самоотдачей служить делу защиты мирного неба нашей Отчизны. Хочу поздравить всех своих коллег с Днем Воздушного Флота Узбекистана, пожелать чистого неба и мира!

– Мы входим в число подразделений обеспечения военной авиации, – подключается к беседе старший лейтенант Бахром Кадыров, ставший сегодня капитаном. – Поэтому тем отраднее, что наш скромный вклад в работу военной авиации находит такую высокую оценку. Для меня было большой честью получить погоны из рук представителя вышестоящего командования перед лицом сослуживцев и гостей.

– Воспитательная работа является одним из сложных направлений служебной деятельности, – добавляет свое мнение офицер Рахимжон Шарапов. – В этом плане считаю, что присвоение мне очередного воинского звания подполковник стало положительной оценкой морально-волевых качеств моих подчиненных, их преданности делу защиты Родины.

А детвора, собравшаяся в этот день на стадионе, получила еще и возможность подняться в небо на воздушном шаре. Кто знает, может именно этот полет в корзине станет для кого-то из них первым шагом на пути в небо. Ведь авиация – это удел сильных духом и телом, устремленных в синеву.

Многие из этих заслуженных военных летчиков, с улыбкой взирающих на развлечения детворы, сами в далеком детстве мечтали о полете в небе за штурвалом воздушного судна. Они свою мечту смогли претворить в жизнь, да и сегодняшним юношам это вполне по плечу. Ведь в независимом Узбекистане созданы все условия для гармоничного развития личности. За эти восемнадцать лет наша Родина прошла путь, равный столетиям. Представители военной авиации, истребители которой летают на скоростях за пределами скорости звука, очень хорошо знают цену запредельных нагрузок, выпадающих в полете. Потому они высоко ценят эти преобразования, давшие мощный импульс для развития страны.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

МУСАФФО ОСМОНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

Шундай инсонлар борки, улар ҳақида фахрланиб, ғурурланиб гапиргинг келади. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларини, қилаётган эзгу ишларини барчага ибрат қилиб кўрсатсанг, арзийди. Мана шундай фидойи, ҳам тарбиячи, ҳам устоз, юрт ҳимоясига, эл корига камарбаста бўлиб, Ватан олдидаги шарафли вазифасини муносиб ўтаб келаётган ҳарбий хизматчилардан бири офицер Шавкат Абдунабиевдир. Унинг намунали хизматлари инобатга олиниб, Президентимиз Фармонига кўра, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ёшлигида учувчи бўлишни орзу қилмаган йигит бўлмаса керак. Биз ҳам тенгдошларимиз билан мусаффо осмонимиз узра парвоз қилаётган самолётларга қараб, учувчиларга ҳавас қилардик. Уни бошқараётганларни ҳақиқий мард, жасур инсонлар деб билардик. Шунда ҳар биримизнинг қалбимизда: «Катта бўлсам, албатта, учувчи бўламан!» деган эзгу орзу пайдо бўларди. Аммо учувчилик касби ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бугун миллий армиямиз сафларида ҳам ҳар томонлама етук, профессионал ҳарбий учувчиларимиз тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш йўлида фидойиларча хизмат қилиб келинмоқда. Мана шундай моҳир учувчилардан бири сифатида офицер Ш.Абдунабиевни кўрсатишимиз мумкин.

...Тоғли ҳудудда ҳаракат қилаётган гуруҳ посбонларига тўсатдан шартли душман ҳужум қилиб қолди. Кутилмаган вазиятдан чиқиш учун посбонлар бор имкониятларини ишга солиб, шартли душман ҳужумини қайтаришга ва уларни яксон этишга интилишмоқда. Аммо тоғ тепалигидаги қалин арчазор ичида жойлашиб олган шартли душманни осонликча маҳв этиш анча мушкул. Буни тўғри англаган гуруҳ командири алоқа воситаси орқали қўмондонликка чиқиб, вазият ҳақида ахборот берди ҳамда авиацияни ишга солиб, шартли душманни йўқ қилиш лозим эканлигини айтди. Авиация эскадрильяси командири офицер Ш.Абдунабиев шартли душман жойлашган ҳудуд тўғрисида етарли маълумотни олиб, ўз лочинлари билан қўмондонлик томонидан қўйилган жанговар вазифани бажаришга киришди. Қисқа муддат ичида шартли душман жойлашган барча нуқталар авиация томонидан берилган зарбалар натижасида аланга ичида қолди. Гуруҳ посбонлари авиация берган ёрдамдан янада руҳланиб, шартли душманни тезда яксон қилишди. Эскадрилья командирининг моҳирона хизмати эса қўмондонлик томонидан муносиб тақдирланди.

– Ҳарбийлик касби ҳаётимнинг мазмунига айланиб улгурган, – дейди қаҳрамонимиз. – Ушбу шарафли касбда фаолият юритаётганимдан, юрт ҳимоясига камарбаста бўлаётганимдан фақатгина фахрланаман. Бугун мустақил Ўзбекистоннинг миллий армиясида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиш, осмонимиз мусаффолигини сақлаш ҳар бир йигитнинг эзгу орзусига, олий мақсадига айланиб улгурди. Мен ҳам шулар қаторида тинчлик ва осойишталикка, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётганимдан ғурурланаман.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, қаҳрамонимиз хизмат қилаётган жамоа мана уч йилдирки, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қисмлар ўртасида «Энг илғор ҳарбий қисм» сифатида эътироф этилиб келинмоқда.

Ҳа, юрт ҳимоясига ўз ҳаётини бағишлаган ўғлонларимиз миллий армиямиз сафларида талайгина. Офицер Шавкат Абдунабиев ҳам мана шундай посбонлардан бири. У тарбиялаган, билим берган юзлаб посбонлар, офицерлар бугун ўзи каби эл корига камарбаста бўлиб, билдирилган ишончни оқлаб келинмоқда. Унга эзгу режаларининг амалга ошиб, бундан-да юксак чўққиларни забт этишига тилакдошмиз.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАЛАКА

ПРЕПЯТСТВИЯ ЗАКАЛЯЮТ ВОИНА

Воины подразделения старшего лейтенанта Баходира Аъзамова эту истину не раз проверили на себе. Поэтому они всякий раз с большим удовольствием отрабатывают прохождение полосы препятствий.

Все здесь продумано до мелочей для того, чтобы наши военные профессионалы с максимальной нагрузкой повышали свое боевое мастерство и выучку. Начинается полоса с традиционного окопа, а дальше все идет по нарастающей степени сложности.

Висячую лестницу полагается проходить на руках. Это делать вроде несложно, но и не так просто, если учесть висящий на боку автомат и средства защиты. Заместитель командира группы младший сержант Журабек Кулдашев показывает товарищам пример ловкой и умелой работы на данном препятствии.

Пробежать по шаткому деревянному мостику, качающемуся из стороны в стороны, совсем непросто. Ведь приходится постоянно балансировать на грани падения. Однако для снайпера группы младшего сержанта Асада Тухтасинова подобное испытание нервов и ловкости вполне по плечу. Он первым проходит препятствие, за ним один за другим идут остальные воины.

Вот ныряет в тоннель пулеметчик младший сержант Шавкат Сариев. Ему сложнее брать ориентир в узком пространстве, ведь у него не автомат, а более громоздкое оружие. Но навыки, обретенные за годы службы в этом подразделении, выдают в нем настоящего мастера.

Найти проход в проволочном заграждении кажется не так сложно, но надо на большой скорости не зацепиться за нее одеждой или снаряжением. Здесь тоже требуется солидное умение. Специалисту по связи младшему сержанту Шербою Нуралиеву не в новинку в хитросплетениях проводов находить верный путь.

А для того чтобы запрыгнуть на участок стены двухэтажного здания, надо показать невероятные способности, как у известного героя детских фильмов о человеке-пауке. Но и здесь специалист-сапер младший сержант Икром Бозоров показывает, что киношные эффекты необязательны. Для подъема по отвесной стене надо лишь вовремя опереться на плечо друга, чуть посильнее оттолкнуться, подтянуться и запрыгнуть наверх.

Подразделение не случайно завоевало звание лучшей горной группы в военном округе. Вот и на полосе препятствий фельдшер группы младший сержант Абдусалим Абдувохидов лезет вверх по скалам не хуже заправского скалолаза. Тренированные пальцы легко находят выемки между камней, и воин быстро залезает на вершину.

Группа с лихвой смогла перекрыть установленный норматив, но старший начальник офицер Тохир Азимов все же остался недоволен. Что же, это даже на пользу подразделению, ведь самоуспокоенность – это враг всего прогресса, движения вперед. Так что тщательный разбор каждого элемента стал отличным средством поиска дальнейших резервов.

Майор Шопулат ТУРДИЕВ.
Фото **автора.**

ЮКСАК ШАРАФ, УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

«Ирода мустаҳкам бўлса, ҳаётда барча нарсага эришиш мумкин», деган экан француз ёзувчиси Ж. Ренар. Ростдан ҳам инсон иродали бўлса, ҳаётда учрайдиган қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтиб, ўзи мақсад қилган ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқиш мумкин. Чунки иродали инсон ҳар томонлама қатъиятли, жасур ва мард бўлади. Бизни хурсанд қиладигани бугун Қуролли Кучларимиз сафларида мана шундай фазилатга эга ҳарбийлар кўпчиликни ташкил қилади. Зеро, ҳарбийлик ғайрату шижоатни, қатъиятлиликни, интилиш ва бедорликни талаб этадиган касб. Шундай инсонлар борки, ўз умрини ҳарбийликка бағишлаб, Ватанимиз тинчлиги йўлида шараф билан хизмат қилиб, эл корига камарбаста бўлиб келмоқдалар. Мақоламиз қаҳрамони катта сержант Маъруфжон Тоҳиржонов ҳам ана шундайлардан бири.

Инсоннинг мақсад сари олға қадам ташлашида ирода билан бирга сабр-бардош ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маъруфжон ҳам шу фазилатлар эгаси. У узоқ йиллардан буён алоқачи вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Келинг, унинг ҳаёт йўлига бир назар ташлаймиз.

Маъруфжон Тоҳиржонов Наманган шаҳрида таваллуд топган. Отаси – Тоҳиржон ака дурадгор-уста бўлиб, узоқ йиллардан бери ушбу ҳунари орқасидан оила тебратиб келади. Маъруфжон ҳам ёшлигида отасининг ҳунарманднчилик ишларига ёрдам берарди. Бу пайтда у мактабнинг юқори синфида таҳсил оларди. Мактабни тамомлаб шаҳардаги касб-ҳунар билим юртига ўқишга кирди. Бу даргоҳда у алоқа бўйича устозлардан сабоқ олди. Билим юртини тугатганидан кейин бироз вақт эгаллаган соҳаси бўйича фаолият юритди. Ана шундай кунларнинг бирида тенгқурлари қатори унга ҳам мудофаа ишлар бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга чақирув қоғози келди. Унинг муддатли ҳарбий хизматга кетиши ҳақидаги хабардан оила аъзоларининг бош кўкка етди.

Муддатли ҳарбий хизмат Маъруфжоннинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Чунки унда ҳарбий соҳага бўлган қизиқиш айнан мана шу даврда шаклланди. Яъни ўрнатилган тартиб-интизом, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари унинг қалбида ҳарбий соҳага бўлган қизиқишни шакллантирди. Бу ерда у дастлабки ҳарбий билим ва кўникмаларга эга бўлди. Малакали устозлар кўмагида маҳорати ошди, шаклланди. Шу боис у хизматни шартнома бўйича давом эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди...

Ҳар бир касбнинг ўзига хос синовлари бўлади. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган инсонгина танлаган соҳасида ўз ўрнига эга бўлади. Жанговар шайликни ошириш ва мустаҳкамлашда алоқанинг ўрни ниҳоятда катта. Шу боисдан ҳам алоқа хизматини ҳарбий соҳанинг энг муҳим бўғинларидан десак, хато қилмаймиз. Ҳарбий соҳада узлуксиз алоқани доимо таъминлаш, ўзига бириктирилган аппаратура ёки техниканинг тўғри ишлаётганини, созлигини билиш, доимо тартиб-интизомли бўлиш, соҳани яхши ўрганиб, билимларни ошириб бориш алоқачи учун энг муҳим жиҳатлардандир. Қаҳрамонимиз ҳам шу қоидаларга амал қилиб, хизматнинг бу йўналишини мукаммалроқ эгаллашга ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилади.

– Инсон қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, доимо устозларининг берган ўгитларига амал қилади, – дейди қаҳрамонимиз. – Чунки бу ўгитлар ўз йўлимизни топиб кетишимиз учун хизмат қилади. Уларнинг қимматли маслаҳатлари ҳар доим ҳам силлиқ кечавермайдиган ҳаётда, мураккаб хизмат жараёнида катта аҳамиятга эга. Мен хизматни эндигина бошлаган кезларимда бегараз ёрдамларини аямаган, ҳар доим қимматли йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берган устоз офицерлардан ҳамиша миннатдорман.

Мана, ўн икки йилдан буён у ҳарбий хизматда. Уни жамоада интилувчан, билимдон ва ташаббускор сержант сифатида ҳурмат қилишади. Ҳа, интилишсиз, қатъий ҳаракат ва машаққатсиз мақсадга етишнинг ўзи бўлмайди. Эзгу мақсад йўлида қилинган саъй-ҳаракат эса бесамар кетмаслиги тайин. Юқорида таъкидлаганимиздек, Маъруфжон ҳам ўз фаолияти давомида ўзига бириктирилган вазифани астойдил бажаришга интилиб келди. У фидойи хизматлари сабаб «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 10 йил», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонлари ҳамда Мудофаа вазирининг «Ташаккурнома»сига сазовор бўлган.

Илғор сержант оилада вафоли ёр, меҳрибон ота. Уни қарангки, Маъруфжоннинг турмуш ўртоғи Шоҳистахон ҳам ҳарбий соҳада узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган фидойи ҳарбий аёлларимиздан. Бугун улар намунали ҳарбий оилалар сафидан жой олиб, севимли фарзандлари Шоҳруҳбек ва Юлдузхонларни вояга етказмоқдалар.

– Шоҳистахон билан севишиб турмуш қурганимиз, – дейди Маъруфжон мамнуният билан. – Ҳаётим давомида шуни билдимки, қачонки оилада севги, меҳр туйғуси барқарор бўлса, умр ҳам шунчалик мазмунли бўлади. Тақдир менга мана шундай умр йўлдошини раво кўрганидан бахтиёрман. Ҳозир бир-биримизни тушуниб, вақти келганида кўмак бериб яшаб келаяпмиз. Фарзандларимиз – бизнинг овунчоғимиз. Хизматдан уйга қайтсам, улар билан овора бўлиб, бир зумда чарчоқларим унутилади. Кўнглим тоғдек кўтарилади.

– Аёл учун севган инсони билан ҳаёт кечириш ва меҳр қўйган касбида хизмат қилиш чинакам бахт, – дейди биз билан суҳбатда Шоҳистахон. – Шунинг учун ўзимни бахтли аёл деб ўйлайман. Оила мустаҳкамлиги эса кўпроқ аёлларга боғлиқ дейишади. Бу борадаги масъулиятни янада теран илғасак бу бизнинг, фарзандларимизнинг, яъни оиланинг ютуғи.

Турмушнинг ўзига хос мураккаб томонлари ва ташвишлари ҳам бисёр. Шундай бўлса-да бу даргоҳда меҳр, эътибор устун бўлса, жамики, турмушнинг ташвишларини унутасиз, хонадонда бахтиёрлик ҳукм суради. Камол топаётган фарзандлар ҳам шод-хуррам бўлади.

Соғлом ва мустаҳкам оила ҳамманинг орзуси. Бу йўлда катталар тажрибасига суянмоқ ҳамиша яхшилик келтиради. Ватан оиладан бошланади. Ана шу кичик ватаннинг тинчлиги, гўзал ва фаровонлиги юртнинг тараққиёти, ёруғ келажаги учун замин яратади. Биз катта сержант Маъруфжон Тоҳиржоновга оилавий тотувлик, бундан кейинги хизматларида омад ҳамда муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Гулнора МУРОДОВА.

СТАНОВЛЕНИЕ

Идет боевая учеба

ПРОШЛИ ПРОВЕРКУ НА СТРЕЛЬБАХ

Мотострелковый взвод капитана Зафара Саломова успешно выдержал испытание боевыми стрельбами групп, в ходе которых на деле проверялось огневое мастерство личного состава, умение действовать в различных ситуациях быстро меняющейся обстановки учебного боя.

Естественно, командир взвода в ходе боевых стрельб основной упор сделал на сержантах. По его замыслу именно они и должны были задать тон успеху всего подразделения.

Гранатометчик боевой группы младший сержант Заршид Сухробов тоже прекрасно понял задумку командира. Поэтому в тот момент, когда настал черед открывать огонь из гранатомета, опытный профессионал полностью сосредоточился и выдал ожидаемый от него результат.

Солдатам срочной службы, впервые с начала учебного года принимавшим участие в столь масштабном полевом выходе, было приятно наблюдать за меткой стрельбой младшего сержанта. К тому же эта меткая стрельба вдохновила их самих, наполнила их уверенностью в боевых возможностях вверенного оружия.

Этот эмоциональный настрой воины смогли сохранить до конца этапа боевых стрельб. Вот и пулеметчику рядовому Азиму Юлдашеву удалось первыми же очередями поразить большинство предъявленных мишеней, своевременно делать поправки.

А довершили разгром «основных сил» условного противника меткие автоматные очереди рядовых Хуршида Самидова, Худайберды Тухтасинова и Миржалола Ахмедова. Победа в учебном бою не только повысила уровень боевой выучки личного состава, но и дала заряд бодрости и уверенности в себе.

Из разных уголков нашей Родины съехались сюда молодые люди, став за короткое время дружной и сплоченной семьей. Естественно, по итогам боевых стрельб групп были разобраны все допущенные недостатки, без которых не обошлось. Внесены отдельные коррективы и в методическую работу сержантов. Но самый главный итог стрельб оказался положительным: все прошли «обкатку» реальным ведением огня, научились сдерживать свои эмоции и волнение. А значит – сделан серьезный шаг на пути к повышению воинского мастерства.

В разговорах с солдатами и сержантами неоднократно звучала мысль о том, что пройденное испытание способствовало также и сплочению коллектива. Ведь каждый воин еще лучше осознал, что в бою поддержка и доброе слово боевого товарища, очень много значат. Вот так укрепляется армейская дружба и войсковое товарищество, закаляя воинов духовно и физически.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**



Вести из подразделений

УВЕРЕННО ОВЛАДЕВАЮТ ПРОФЕССИЕЙ

Сегодня, в ходе проводимых реформ в Вооруженных Силах Республики Узбекистан, особенное внимание уделяется вопросам дальнейшего улучшения оснащения войск современным вооружением и техникой, высокоточным оружием, электронными, компьютерными системами управления и связи, надежной экипировкой и индивидуальными средствами защиты. В военных округах регулярно проводятся показательные занятия, демонстрирующие для армейской молодежи боевые возможности современного вооружения и техники, имеющегося в Вооруженных Силах Республики Узбекистан.

Детальное ознакомление воинов с вооружением и техникой, подробностями их тактико-технических характеристик, порядком эксплуатации, устройством различных войсковых приборов, безусловно, служит хорошим подспорьем в овладевании воинской профессии, прививает ответственное отношение к служебным обязанностям.

– Победа в современном бою во многом зависит от успешного применения оружия. А это значит, что каждый на своем месте должен выполнять свою задачу качественно, только тогда возможно достижение успеха подразделения в целом, – говорит младший сержант Уткиржон Саидкасымов.

Задача подразделения младшего командира заключается в обеспечении бесперебойной связи абонентов. Ошибок здесь быть не должно. Вот почему младший сержант У. Саидкасымов и его подчиненные прекрасно понимают, что от их действий зависит многое. Исправная работа аппаратуры и каналов связи обеспечивает слаженность и четкое взаимодействие абонентов. Для этого требуются твердые, отработанные до автоматизма навыки и надежные знания.

Поэтому в часы занятий в классах и на полевых выходах они стремятся получить как можно больше информации, практических навыков от командиров и старших товарищей. Применение этих знаний на практике дает возможность значительно повысить уровень профессионализма.

В качестве примера называются имена тех, кто добросовестно, грамотно, ответственно несет вахту на средствах связи, умело и бережливо ее эксплуатирует – это рядовые по контракту Жамшид Уралов и Ахмаджон Болиев.

Таких профессионалов в этом подразделении немало. К ним всегда обращаются за советом рядовые Акром Уразалиев, Жамшид Дустов, Донияр Салимов и другие их сослуживцы. Опытные воины, где добрым словом, где личным примером, оказывают всемерную помощь военнослужащим срочной службы в овладевании вверенной профессией.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Военные профессионалы

ПРИМЕР ДЛЯ ПОДЧИНЕННЫХ

Младшего сержанта Музаффара Максадова по праву называют одним из лучших военных специалистов в родном подразделении. И он всегда подает сослуживцам добрый пример ревностного и добросовестного отношения к службе.

Вот и на недавних практических занятиях на полигоне младший сержант М. Максадов заслужил положительные отзывы старших командиров и начальников. Выполняя функции механика-водителя боевой машины, он прекрасно справился с поставленными боевыми задачами в ходе учения.

Вообще, служба в составе зенитно-ракетной батареи вооружила младшего сержанта богатым опытом управления сложной боевой техникой, оснащенной самым современным вооружением. За те двенадцать лет, что Музаффар отслужил по контракту, он всегда уделял самое пристальное внимание вопросу повышения уровня квалификации. В этом плане ему много дала учеба в окружной Школе подготовки сержантов.

– Учеба в ШПС очень важна для сержанта, – говорит он. – Ведь учебная программа предельно насыщена знаниями из самых разных сфер служебной деятельности. К тому же также здесь нам подробно доводят новые требования руководящих документов: приказов Министра обороны, начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, касающиеся прохождения службы сержантами.

Эти лидерские качества, умение повести за собой, организовать учебный процесс с подчиненными и были учтены при назначении младшего сержанта М. Максадова на должность командира секции.

Зенитно-ракетные подразделения ПВО Сухопутных войск по своему предназначению призваны прикрывать действия мотострелков от воздушного нападения противника. В связи с этим вопросы слаженности взаимодействия приобретают большое значение.

Например, на последнем полевом выходе на полигоне воины зенитно-ракетной батареи лейтенанта Алишера Соипова успешно отработали учебно-боевые задачи по четкому обнаружению и сопровождению воздушных целей противника. А еще потренировались в преодолении участка «зараженной местности» с последующей обработкой техники и вооружения.

– В подразделениях ПВО СВ очень важна взаимозаменяемость в экипажах боевых машин, – подчеркнул командир батареи. – В этом смысле тоже можно поставить в пример младшего сержанта Максадова. Возникла необходимость подменить механика-водителя боевой машины – он сразу вызвался и справился на «отлично». Может отработать и за наводчика-оператора, связиста. В общем, настоящий профессионал.

За этой короткой оценкой командира лежит большой и упорный труд, гордость сержанта за принадлежность к славному поколению защитников нашей независимой Родины. В преддверии самого дорогого для каждого жителя Узбекистана праздника этот военный профессионал вновь добивается успехов в боевой учебе. Ведь он хорошо понимает: его отличная служба является тем самым прочным фундаментом, на котором стоит оборонная мощь нашей страны.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **автора.**

ASKAR

BIR UMRGA TATIGULIK SABOQLAR



Harbiy xizmatni o‘tagan va ayni paytda konstitutsiyaviy burchini ado etayotgan o‘g‘lonlar yaxshi biladilarki, yurt posbonlariga qo‘yilayotgan talablar tobora ortib bormoqda. Shuning uchun ham faqat eng saralargina egniga harbiy libos kiyishga, Qurolli Kuchlarimiz saflaridan o‘rin egallashga muvaffaq bo‘lyapti.

Barcha ko‘rik va sinovlarni ortda qoldirib, muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan shunqorlarning o‘z jamoalarida peshqadam bo‘lishga intilishi tabiiy holdir. Demak, ular orasida namunali xizmati va har tomonlama faolligi bilan ajralib turuvchilar ham talaygina. Xizmat safari bilan katta leytenant Darvesh Nazarov komandirlik qilayotgan bo‘linmada bo‘lganimizda, bunga yana bir bora amin bo‘ldik.

– Yigitlarning tirishqoqligi hamda harb ilmini o‘zlashtirishga bo‘lgan kuchli qiziqishini ko‘rib, quvonasan kishi, – deydi guruh komandiri serjant Jonibek To‘xtayev. – Ularning xizmatlarini kuzatib nigohlaridagi uchqun, yuraklaridagi olovni his qilasiz.

– Har bir mashg‘ulotdan imkon qadar ko‘proq bilimlar olishga intilyapmiz, – deydi oddiy askar Dilmurod Do‘stov. – Masalan, yaqinda o‘q otish tayyorgarligi mashg‘ulotlarida jangovar qurolning taktik-texnik ko‘rsatkichlari hamda turli sharoitlardagi imkoniyatlari, shuningdek, undan mo‘ljalga olish, nishongacha bo‘lgan masofani aniqlash, o‘q otish qoidalari, qurolni qismlarga ajratish va yig‘ish haqidagi ma’lumotlarga ega bo‘ldik. Bu kabi mashg‘ulotlarning o‘ziga hos tarzda o‘tkazilishi men va safdosh do‘stlarimning qiziqishini yanada oshirmoqda.

Darvoqe, muddatli harbiy xizmatchilar bilan bo‘lgan suhbatlardan kelib chiqib aytish mumkinki, ularning harbiylik kasbiga hurmati va havasi tobora kuchaymoqda. Buni, oddiy askar Elshoh Usmonovning bildirgan fikrlaridan ham his qilish mumkin.

– Harbiylik kasbining nufuzi oshib borayotganiga guvoh bo‘lib, o‘z taqdirimni Qurolli Kuchlarimiz, sharafli va mas’uliyatli kasb bilan bog‘lashga – shartnoma asosida xizmat qilishga qaror qildim.

– Men ham milliy armiyamiz ofitseri bo‘lmoqchiman, – deydi muddatli harbiy xizmatchi Shohruh Muhammadov. – Ayni paytda esa butun diqqat e’tiborim guruhimiz, qolaversa, vzvod ilg‘orlari qatoridan o‘rin egallashga qaratilgan.

– Qadrdon bo‘lib qolgan safdosh do‘stlarimga nisbatan armiyadan ertaroq qaytishimni o‘ylasam, biroz ko‘nglim g‘ashlanadi, – deydi oliy ma’lumotli harbiy xizmatchi Murod Hotamov. – Sababi, shu paytga qadar bu yerda ko‘plab do‘stlar orttirdim, harbiycha hayotga ancha ko‘nikdim. Talabalikning nega oltin davrga qiyoslanishini yaxshi bilaman. Endilikda esa, bejizga armiyaga hayot maktabi, deya ta’rif berilmaganini ham anglayapman. Chunki, aynan shu yerda er yigitning har tomonlama shakllanishi, chiniqishi va toblanishi uchun zarur muhit mavjud. Oliy o‘quv yurtida mutaxassisligimga doir bilimlar olgan bo‘lsam, armiyada hayotiy saboqlar olyapman. Bu saboqlar umrimning oxirigacha menga asqotishiga, qolaversa, harbiylikda orttirgan do‘stlarimni hech ham unutmasligimga shubham yo‘q.

Oddiy askarlar – Sarvar Rajabov, Sirojiddin Abdurahmonov, Zayniddin Abdullayev, Umid Ortiqov, Farhod Eshmanov va boshqa ko‘plab posbonlar ham kelgusida harbiy sohada faoliyat olib borishga ahd qilganlar. Ularning qaroridagi qat’iylik va ishonch ezgu maqsad ro‘yobi sari eltsa, ne ajab.

Ha, bugunning posboni shunchaki harbiy libos sohibi emas. U kuchli xarakter va iroda, keng dunyoqarashga ega inson. Shuning uchun ham ular ishonchimiz, tayanchimiz.

Uchqun SAIDNAZAROV.
Muallif suratga olgan.

TAASSUROTLAR BISYOR

Mustaqillikka erishilgach, barcha sohada bo‘lgani kabi Qurolli Kuchlarimizda ham qator islohotlar olib borilmoqda. Serjantlar tayyorlash maktablarining ochilishi, harbiy xizmat borasidagi o‘zgarishlar, posbonlarning xizmat va yashash shart-sharoitlari tubdan yaxshilangani, muhimi, xalqimizning harbiylik kasbiga, milliy armiyamizga bo‘lgan munosabati o‘zgargani bu borada hukumatimiz rahbariyati tomonidan amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar samarasidir. Joriy etilgan safarbarlik chaqiruvi rezervidagi xizmatni ham aynan mustaqillik mevasi, izchil islohotlar natijasi, desak xato bo‘lmaydi. Turli qulayliklarga egaligi sabab, harbiy xizmatning yangi turi aholiga juda ma’qul kelganini alohida ta’kidlash joiz.

– Oylik yig‘in davomida ko‘p narsalarni o‘rgandim. Aytish joizki, eng avvalo, jismonan va ma’nan chiniqdim. To‘g‘risi, yig‘inning ilk haftasida kun tartibiga ko‘nikish jarayoni bir oz qiyin kechdi. Lekin komandirlarning bergan yo‘l-yo‘riqlari sabab, nafaqat xizmatga tezda moslashdim, balki guruhimiz peshqadamiga aylandim. Harbiy qasamyod qabul qilgan kunimni, o‘sha damdagi hayajonni hech qachon unutmasam kerak, – deydi poytaxtlik Abror Niyozov.

Keling, safarbarlik chaqiruvi rezervidagi xizmat xususidagi fikrlarimizni ayni paytda oylik yig‘inga jalb etilgan fuqarolarning bildirgan mulohazalari bilan davom ettiramiz.

– Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari ma’qul keldi, – deydi Rahimjon Nasriddinov. – Chunki yurtimiz va Markaziy Osiyodagi, shuningdek, jahondagi siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy vaziyatdan doim xabardor bo‘lishimiz, u yoki bu voqea-hodisaga nisbatan shaxsiy fikrga ega bo‘lishimiz lozim.

Mashg‘ulotlarning bahs-munozaralar, savol-javoblar tarzida o‘tkazilayotgani esa ularning yanada qiziqarli va sermazmun bo‘lishini ta’minlayapti.

– Texnikaga qiziqish borligi sababli menga muhandislik tayyorgarligi mashg‘ulotlari juda yoqadi, – deydi namanganlik oliy ma’lumotli fuqaro Shodmon Qilichyev. – Ko‘rgazmali qurollar, maketlardan, yangi o‘quv qo‘llanmalari va ilmiy adabiyotlardan foydalangan holda o‘tkaziluvchi har bir mashg‘ulot, ishonchim komilki, hech bir safdoshimni befarq qoldirmayapti.

– Ikkalamiz ham armiya haqida ko‘p eshitganmiz, – deydi aka-uka Sergey va Vasiliy Kagaylar. – Bu yerga kelib, harbiylar uchun yaratilgan sharoitlarni o‘z ko‘zimiz bilan ko‘rgach, juda quvondik. Harbiy hayot tarzi, harbiy libos kiyishning o‘ziyoq kishiga mas’uliyat hissini yuklar ekan.

– Oylik yig‘inga jalb etilgan fuqarolarga ijtimoiy-siyosiy, jismoniy va muhandislik tayyorgarliklari bilan bir qatorda taktika, o‘q otish, harbiy huquq va Umumharbiy nizomlar, topografiya, ommaviy qirg‘in qurollaridan foydalanish, tibbiy tayyorgarliklardan saboqlar beriladi, – deydi ofitser Rishad Siddiqov. – Oylik rejaga muvofiq dam olish, bayram oldi va bayram kunlari turli viktorinalar, intellektual o‘yinlar, ijodiy uchrashuv va davra suhbatlari, bellashuvlar va sport musobaqalari o‘tkaziladi. Ular ham yigitlarning har tomonlama chiniqishi, jamoada do‘stona muhitning shakllanishiga, bilim va kuchni sinovdan o‘tkazishga xizmat qiladi. Shuningdek, fuqarolarda yetakchilik, iroda kabi qobiliyatlarni rivojlantiradi.

Barcha qulayliklarga ega yotoqxonalar, zarur anjomlar bilan jihozlangan sport zali va maydonchasi, yorug‘ va shinam oshxona, zamonaviy o‘quv xonalari safarbarlik chaqiruvi rezervidagi xizmatga jalb etilgan fuqarolar ixtiyorida. Demak, xizmat va yashash sharoitlari ko‘ngildagidek. Aytish mumkinki, yigitlarning xizmatga munosabati, mashg‘ulotlardagi faolligi yuqoridagi sharoitdan kam emas.

Kapitan To‘lqin JUMANAZAROV,
«Vatanparvar» muxbiri.
Muallif suratga olgan.

POSBON TALABA BO‘LDI

Andijonlik Sherali Begaliyev shu yil muddatli harbiy xizmatni namunali o‘tab, oliy ta’lim muassasalariga imtiyozli ravishda o‘qishga kirish huquqini beradigan tavsiyanomaga ega bo‘lgan edi. Kelajakda o‘qituvchi bo‘lishni ahd qilgan Sherali xizmatdan qaytgach tayyorlov kursida bilimini oshirdi.

Bugun uning quvonchi cheksiz. Prezidentimiz Islom Karimovning 2005 yil 31 oktyabrda qabul qilingan «O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilarga beriladigan imtiyozlar tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Milliy universiteti geografiya fakul’tetining talabasi bo‘ldi.

– Ushbu nufuzli universitet talabalari safiga qo‘shilganimdan juda xursandman, – deydi Sh. Begaliyev. – Yurtboshimizning biz, yoshlarga ko‘rsatayotgan doimiy e’tibor va g‘amxo‘rligiga javoban astoydil o‘qib izlanishimiz, tanlagan sohamizning yetuk mutaxassisi bo‘lishga bor kuch-g‘ayratimiz bilan intilmog‘imiz darkor.

O‘tgan yillari muddatli harbiy xizmatni namunali tamomlab, qo‘mondonlikning tegishli tavsiyanomasiga ega bo‘lgan minglab yigitlar mamlakatimiz oliy o‘quv yurtlari talabalari bo‘ldi. 2009 yilda ularning safi yanada kengaydi.

X. SALIMOV,
O‘zA muxbiri.

МАДАНИЯТ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан

ИСТЕЪДОДЛАРНИ РУҲЛАНТИРАЁТГАН ТАНЛОВ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ижодий-интеллектуал салоҳияти, иқтидори ва қобилиятини тўла намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши, ҳар йили энг улуғ ва энг азиз айём – Ватанимизнинг мустақиллик байрами арафасида санъат соҳасида изланаётган истеъдод соҳибларига нуфузли мукофотнинг тантанали топширилиши бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

14 август куни пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида ушбу мукофотни унинг янги совриндорларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга санъатнинг турли йўналишларида изланаётган ёшлар, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини, тафаккурини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни изчил равнақ топтириш, йигит-қизларнинг иқтидори ва қобилиятини тўла намоён этиши учун яқиндан кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

«Келажак овози», «Санъат ғунчалари», «Навқирон Ўзбекистон» каби кўрик-танловлар, ижодий фестивалли йигит-қизларнинг истеъдодини кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, санъат йўналишлари бўйича пухта билим олишига, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга хизмат қилмоқда. Иқтидор соҳибларига қанот бераётган, уларни юксак марралар сари илҳомлантираётган ана шундай танловлар орасида «Ниҳол» мукофоти учун ўтказилаётган ижодий беллашув муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари томонидан таъсис этилган ушбу мукофот ўзининг ёрқин ва бетакрор истеъдоди, изланиши билан санъат оламига кириб келаётган қобилиятли ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш, миллий санъатимизни янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур мукофотга талабгор ёшлар сафининг тобора кенгайиб бораётгани «Ниҳол»нинг нуфузи йилдан-йил юксалаётганидан далолатдир. Танловнинг жорий йилдаги саралаш босқичларида 8 мингдан зиёд ёш ижрочи иштирок этди.

Ушбу мукофот учун ўтказилган танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати йўналишларида уч босқичда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъдодларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида, ғоят қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

«Ниҳол» мукофотига лойиқ топилган йигит-қизлар келгусида ўз йўналишларида санъатнинг янги чўққиларини эгаллаб, билдирилган юксак ишончни оқлаётгани қувонарлидир. Ўтган вақт мобайнида «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган Гулсанам Мамазоитова, Самандар Ҳамроқулов, Илҳом Фармонов каби ёшлар Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланди, Гулзода Худойназарова «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ғолиб чиқди. Комил Мусаев, Фазлиддин Ҳусанов, Беҳзод Абдураимов каби ёш ижрочилар, Ўзбекистон Республикаси Ўсмирлар симфоник оркестри жамоаси эса Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия каби давлатларда мусиқа бўйича ўтказилган халқаро танловларда муваффақият қозонди.

2009 йилда «Ниҳол» мукофотига эстрада йўналиши бўйича – Шуҳрат Мавлонов (Бухоро вилояти), Суҳроб Кенжаев (Навоий вилояти), Дилдора Қурбонова (Самарқанд вилояти), Нигина Набиева, Ҳожимурод Бекжонов (Тошкент шаҳри), Мирижод Миркомилов (Тошкент вилояти), Шаҳризода Аҳмедова (Фарғона вилояти), Хуршида Жўраева (Қашқадарё вилояти), Ғайрат Бекчанов (Қорақалпоғистон Республикаси), опера йўналиши бўйича – Умид Исроилов (Фарғона вилояти), мусиқа ижрочилиги бўйича – Фазлиддин Шафоатов (Сурхондарё вилояти), мумтоз қўшиқчилик йўналиши бўйича – Адолат Қўлдошева (Андижон вилояти), Райҳона Жуманиёзова (Хоразм вилояти), рақс йўналиши бўйича Гулбар Абипова (Қорақалпоғистон Республикаси) сазовор бўлди.

– Юртимизда ёш истеъдод соҳибларига бўлган эътибор ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёти, фаолияти, ижодида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, – дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори, Нукус давлат педагогика институти талабаси Гулбар Абипова. – Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор бизни янги ижодий марралар сари руҳлантиради. Бундай эътиборга муносиб бўлмоғимиз, билдирилган юксак ишончга санъат соҳасида янги-янги изланиш ва ютуқларимиз билан жавоб бериш бурчимиздир.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Истиқлол! Бу сўзни эшитганимизда вужудимизга ажиб бир илиқлик оқиб киради. Тилимизда ушбу қутлуғ калом ўзгача оҳангда янграйди, кўзларимиз сурурдан чақнайди. Чунки истиқлол, ҳурлик барчамизга инъом этилган бебаҳо неъмат, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли. Ана шу неъматнинг қадрига етиб яшашнинг ўзи улкан бахт. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган кун ҳар йили юртимиз бўйлаб катта тантана ва шодиёна сифатида байрам қилиб келинади. Шу куни ҳар бир гўшада шоду хуррамлик ҳукм суради. Мана, ҳадемай истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйини нишонлаймиз. Ўтаётган кунлар бизни энг улуғ ва энг азиз байрамимизга тобора яқинлаштирмоқда. Бугун ушбу табаррук айёмни кўтаринки руҳда қаршилаш мақсадида ёшу қари, барча касб эгалари қайноқ шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ҳам ҳар йилгидек ушбу санани муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Айни кунларда ҳарбий санъаткорларимизнинг улуғ айёмга тайёргарлик жараёни айниқса, қизғин кечаяпти.

Мустақиллик майдонида халқимиз эътиборига намойиш этилиши мўлжалланаётган байрам дастури репетицияси аллақачон бошланиб кетган. Дастур аввалида чиқиш қиладиган ҳарбий блокнинг асосини одатдагидек, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Мудофаа вазирлиги Алоҳида намунали кўргазмали ҳарбий оркестрларининг чиқишлари ташкил этади. Оммавий саҳналарда кўплаб ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, аскарлар иштирок этишиб, жанговар қурол билан саф машқларини бажарадилар.

– Саноқли кунлардан сўнг халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами – мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн саккиз йиллигини кенг нишонлайди. Зеро, бу шодиёна юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор бағишлайди, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, офицер Шуҳрат Дадажонов. – Кўриб турганингиздек, санъаткорларимиз ушбу тантанага муносиб ҳисса қўшиш учун аллақачон тайёргарликларни бошлаб юборишган. Ушбу жараён ҳар йилгидан ҳам қизғин давом этмоқда. Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, мана бир неча йилдан бери ҳарбийларимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамимиз тантаналаридаги чиқишлари юксак баҳоланиб келинаяпти. Бу эса зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Шу боис дастур иштирокчилари мана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда астойдил ҳаракат қилишмоқда. Барча репетицияга, машқларга талабчанлик билан қаралмоқда. Бу йилги байрам дастуримизга кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Ҳар бир ҳаракат, мусиқа, оҳангнинг ўзаро мутаносиблиги, мантиқий боғланишни ижодий баҳсларда янада сайқалланди. Энди бевосита дастур ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам.

Унда кун сайин янгиланаётган, ислоҳотлар жараёнида куч-қудрати ошаётган миллий армиямиз, интеллектуал салоҳияти юксак ҳарбийлар қиёфаси жанговар куй ва мусиқалар орқали намойиш қилинади. Байрам учун Қуролли Кучлар ансамбли хонандалари томонидан куйланадиган «Қудратли қўшин», «Ҳарбийлар», Анвар Обиджон шеъри, таниқли бастакор Анор Назаров мусиқаси билан «Аскар болалар марши», Дониёр Қаршиев ижросидаги «Ватан» деб номланган қўшиқлар ижро этилиши кўзда тутилаяпти. Биласизми, инсон учун энг ёқимли ва юракка яқини бу – Ватанга бўлган муҳаббатни васф этувчи қўшиқ. Чунки бундай қўшиқлар юракдан куйланади. Унда меҳр-садоқат ва вафо туйғулари ҳам тараннум этилади. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, юрт фарзандларини Ватани кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади. Санъаткорларимиз томонидан ижро этиладиган тароналар ана шу жиҳати билан қимматлидир.

Ҳарбий санъаткорларимиз тайёргарлик кўраётган майдонга келдик. Тайёргарлик бошланди. Майдонда саф тортиб турган ҳарбийлар жанговар мусиқа садолари остида ҳаракатга келди. Посбонлар байрамда ижро этиладиган ҳар бир қўшиққа мос кўргазмали чиқишларини намойиш этишди. Дастурнинг саҳналаштирувчи режиссёри, Қуролли Кучлар хизматчиси Анатолий Голошапов бадиий раҳбар билан биргаликда ўзаро уйғунликка, мутаносибликка таъсир қилиши мумкин бўлган кичкинагина хато ёки камчиликни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтаяпти. Фурсатдан фойдаланиб, иштирокчиларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, уларга йўл-йўриқ бериб турган саҳналаштирувчи режиссёрнинг тайёргарлик жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

– Ҳар йилги байрам тантаналарида ҳарбийлар дастурини янги-янги шакл ва кўринишларда намойиш этиш осон иш эмас. Бунинг учун кўпроқ изланиш керак. Шунинг учун ҳам бу йил дастурларимиз қизиқарли бўлиши учун қўлимиздан келганича ҳаракат қилдик. Баҳони эса томошабинлар беришади. Энг муҳими, ҳарбий санъаткорлар, кўп сонли иштирокчилар, халқимизга, мангур бўладиган, ёшу қарининг қалбида ватанпарварлик туйғуларини жўш урдирадиган ижод намуналарини маромига етказиб ижро этиш учун жиддий киришганлар. Ўйлайманки, бу йилги дастуримиз ҳам барчага бирдек ёқади.

Биз катта саҳналарда юксак маҳоратларини, ижодий имкониятларини намойиш этиб келаётган ҳарбий санъаткорларимиз бу галги байрам шодиёналарида янада катта муваффақиятларга, оқинларга сазовор бўлишларига ишонамиз.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи,
оддий аскар Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

ЁШЛАР

ИЛҒОР ПОСБОННИНГ ЮТУҒИ

... Ҳали қоронғулик чекинмаган. Гуруҳ посбонлари тоғ дараси бўйлаб ҳаракатланмоқда. Ҳар бир посбон маскировкага катта аҳамият берган. Тоғнинг ҳаракатланиш қийин, кўздан пана қисмида шартли душман макон қургани тўғрисида хабар олинди. Гуруҳ командири разведка маълумотлари асосида посбонларга шартли душман тўғрисидаги зарур маълумотларни етказди. Офицер Холмўмин Нормўминов бўлинма командири кичик сержант Жаҳонгир Иноятов билан харитадан шартли душман жойлашган ҳудудни ўрганишди. Гуруҳнинг алоқачи посбони, мерганига алоҳида вазифалар топширилди. Шундан сўнг посбонлар шартли душман ҳаракатланиши кутилаётган йўлга пистирма қўйишга киришишди. Кичик командир Ж. Иноятов эса қўл остидаги посбонлар билан шартли душманни қуршовга олиш режасини тузди. Мерган шартли душманнинг командири, мергани ва алоқачисини йўқ қилди. Командирнинг ишорасига биноан посбонлар зудлик билан ҳужумга ўтдилар. Кутилмаган ҳужум шартли душман ичида саросима, тартибсизликни келтириб чиқарди. Шу тариқа гуруҳ қўмондонлик томонидан қўйилган вазифани аъло даражада уддалади. Шижоати, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, соҳа сирларини яхши ўзлаштириб, гуруҳ муваффақиятига муносиб ҳисса қўшгани учун кичик сержантлар – Ж. Иноятов, А. Мақсудов, оддий аскарлар – Ш. Жуматурдиев, Ф. Тўйчибоев, С. Зияров, Ш. Жавоқовларга миннатдорчилик эълон қилинди.

Шуҳрат болалигидан шарафли соҳага меҳр қўйганлардан. Бунда Қуролли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини ўтаган акалари Рустам ва Фурқатларнинг таъсири катта бўлган, десак янглишмаймиз. Кенжатой ўғилдаги соҳага қизиқиш, интилиш, аскарликка ҳавас акаларининг армия тўғрисидаги ҳикоялари таъсирида шаклланган бўлса, не ажаб?!

Ўғлидаги қизиқишни илғаган ота унинг ҳар томонлама билимли бўлиб улғайишига катта эътибор қаратди. Айниқса, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиб берди. Спортнинг taekwondo – WTF тури билан жиддий шуғулланиб келаётган ўғлон бир қатор нуфузли мусобақаларда, ўсмирлар ўртасида ўтказилган туман, шаҳар биринчиликларида яхши натижаларни қўлга киритиб, отасининг ишончини оқлади. Ўғлоннинг жигарранг белбоғни қўлга киритгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Умумий ўрта таълим мактабида ўқишни тугаллагач, Тошкент агротижорат касб-ҳунар коллежида таҳсил олди. Мазкур таълим даргоҳида ўқиш мобайнида армия ҳаёти, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида матбуотдан билиб борди. Мазкур таълим даргоҳини тамомлаган Шуҳрат туман мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга бориш учун жорий этилган синовлар хусусида атрофлича маълумот олди. У бундай танлов, синовларга ҳар жиҳатдан тайёр эди. Шу сабабли белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ деб топилди. Бундан нафақат ўғлоннинг ўзи, шунингдек, оила аъзолари ҳам бениҳоя қувонишди.

Пулемётчи вазифасида хизмат қилган посбон ҳамиша фаол бўлишга, Умумҳарбий низомлар талабларига риоя қилиб, зиммасидаги вазифани пухта адо этишга интилди. Айниқса, соҳага оид билимларни ўрганишга астойдил бел боғлади. Бу борада армиядаги устоз офицер ва сержантлар унга яқиндан ёрдам беришди. Муддатли ҳарбий хизмат мобайнида тиришқоқлиги, фаоллиги билан тезда сафдошлари ва командирлари назарига тушган посбон қисм миқёсида ўтказилган турли тадбирлар, беллашувлар, спорт мусобақаларида ҳам кўпчиликка ибрат бўлди.

Дарвоқе, лавҳамиз қаҳрамони қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномани ҳам қўлга киритган. Бу унинг юрт ҳимоясини муқаддас бурч деб билганини яна бир бор кўрсатиб турибди.

– Оддий аскар Жуматурдиев гуруҳимиздаги энг намунали посбонлардан бири бўлган, – дейди офицер Х. Нормўминов. – Машғулотларда доимо фаол, қисм миқёсидаги тадбирлар, йиғинлар, мусобақаларда етакчилиги билан сафдошларидан ажралиб турарди. Айниқса, соҳа сир-асрорларини ўрганишга интилар, бу борада тинмай изланишдан, ўқишдан чарчамасди. Шу боис тавсияномага сазовор бўлганида ажабланмадим.



– Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўташ мобайнида юрт қадрини, тинчлик аталмиш буюк неъматнинг нечоғли азиз эканлигини англаб етдим, – дейди у. – Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, эл осойишталигини қўриқлаш дунёдаги энг шарафли ва масъулиятли иш эканига яна бир бор амин бўлдим. Бу эса мени бугунги тинч, осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ўргатди, десам хато қилмайман.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.

ОРОМГОҲНИНГ ГАШТИ ЎЗГАЧА

Ёз – болажонлар учун энг севимли, уларнинг қалбини олам-олам қувончу шодликларга тўлдирадиган фасл. Айниқса, бу даврда оромгоҳларда мазза қилиб дам олиб қайтишнинг ўзига хос гашти бор. Чунки оромгоҳда ўтказган ҳар бир кун болажонларга эсда қоларли, қизиқарли воқеаларга бой дамларни ҳадя этади. Фарзандларининг бахтиёрлигидан ота-оналар ҳам хурсанд. Зеро, ёзги таътил давомида мароқли дам олган ўғил-қизлар янги ўқув йилида ўзгача кайфият, куч-ғайрат билан билим олишга киришади. Ахир айтишади-ку, яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деб. Шуни ҳисобга олган ҳолда ёз фасли келди дегунча ота-оналар фарзандларини дам олиш масканларига кузатишади. Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам айни пайтда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Ушбу сўлим, роҳатбахш масканда болажонларнинг мазмунли ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Болаларнинг қувноқ кулгуси, самимий ва беғуборлик уфуриб турган сўзлари, хатти-ҳаракатлари ҳар қандай инсонга завқу шавқ бағишлайди. Уларни кўриб, беихтиёр болалик чоғларимизни, ғам-ташвишсиз бахтиёр давримизни эслаймиз. Чунки болалик инсон умрининг энг унутилмас ва беғубор давридир. Биз оромгоҳда бўлганимизда ушбу масканда дам олаётган болажонларни кўриб, хаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди. Турли кўнгилочар тадбирларда, қизиқарли ўйинларга бой мусобақаларда иштирок этаётган болалар ҳавасимизни келтирди. Бу болалар яқин кунларда бўлиб ўтиши кутилаётган оромгоҳнинг ёпилишига бағишланган катта тадбирга тайёргарлик кўришаётган экан.

– Болажонларимизнинг кўнгилли ҳордиқ олишлари учун тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз, – дейди биз билан суҳбатда «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Любов Адилова. – Ушбу режага биноан белгиланган муддат мобайнида турли давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, интеллектуал ўйинлар, расмлар кўрик-танлови ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди. Шу билан бирга «Гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарафдоримиз» шиори остида доимий равишда тадбирлар ўтказаяпмиз. Ёшларни маънан ва жисмонан чиниқтирувчи мазкур маънавий-маърифий тадбирлар уларга жуда манзур бўлмоқда. Айниқса, спорт ўйинларида барча болалар катта иштиёқ ва фаоллик билан иштирок этишмоқда. Шу билан бирга мусобақа тарзида ташкил этилган викториналар ҳам уларнинг маънавий дунёқарашини оширишга катта ёрдам бермоқда. Ушбу викторналарда Ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатларига онд саволлар ўрин олган. Шу ўринда оромгоҳимизда ташкил қилинган тўгаракларнинг фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Тўгаракларимиз ҳар йилгидек ҳунар ўрганишга иштиёқи баланд ёшлар билан гавжум. Бу тўгаракларда улар малакали мураббийлардан шахмат, шашка, сув спорти, бичиш-тикиш, бисер тўқиш сирларини ўрганиб, вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.

Биз оромгоҳни айланиб, бу маскандаги озодалик ва тартиб-интизомдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Любов Адилованинг айтишича, тартиб-интизомни сақлаш учун ҳар бир отрядга йўлбошчилик қилувчи жамоа сардорлари масъул экан. Жамоа сардорлигига эса отряддаги энг фаол ва тиришқоқ ёшлар сайланар экан. Уларнинг вазифаси белгиланган вақт давомида ўзларига бириктирилган ҳудудда тартибни сақлаш, бўлиб ўтадиган тадбирларнинг ташкилий ишларини бажариш ва оромгоҳ радио тармоғида оромгоҳ янгиликлари ҳамда шу куни ўтказиладиган тадбирлар бўйича дам олувчиларга ахборот беришдан иборат.

– Жамоа сардорлари тарбиячиларнинг энг яқин кўмакчилари ҳисобланади, – дейди суҳбатдошимиз. Улар ҳар бир тадбирни кўтаринки руҳда, қизиқарли ўтиши учун катта ҳисса қўшади. Ёшларимиз орасида мана шундай фаол, ғайратли ўғил-қизларимиз жуда кўп. Улар тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўла олади.

Самир Умиджонов ана шундай ишжоатли ёшлардан бири. Айни пайтда у ҳам ўзига бириктирилган жамоага сардорлик қилади. Биз Самир билан суҳбатлашиб, унинг оромгоҳ ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

– Ёзги таътилни ушбу оромгоҳда ўтказаётганимдан хурсандман, – дейди у. – Болалигимдан спортга қизиқаман. Шу боис ҳар куни эрталаб бажариладиган жисмоний машқлар менга манзур бўлаяпти. Оромгоҳимизда доимий равишда ўтказиладиган спорт мусобақаларида ҳам мазза қилиб иштирок этаяпман. Яна ҳар ҳафта уюштириладиган мусиқий дастурлар ҳам ёқаяпти. Ўтган кунлар давомида жуда кўплаб дўстлар орттирдим. Улар билан қадрдон бўлиб кетдик.

Дарҳақиқат, ўғил-қизларимизнинг маънан ва жисмонан камол топишида ва энг асосийси, улар саломатлигини мустаҳкамлашда оромгоҳларнинг аҳамияти, ўрни беқиёс. Буни биз соғломлаштириш масканида дам олаётган болаларнинг қувончдан порлаган юзу кўзларига қараб, яна бир бор дилдан ҳис қилдик. Зеро, соғлом ва баркамол авлод келажак пойдевори, деб бежиз айтишмайди.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.



ДУНЁ НАФАСИ

КОМЕТА ДУМИДА АМИНОКИСЛОТА



Америкалик астрофизиклар комета думидаги чанг намуналари ичидан энг оддий аминокислота – глицин топишга муваффақ бўлишди. Бу ҳақда NASA сайтида берилган матбуот релизида хабар қилинган, тадқиқотчиларнинг бу борадаги мақоласи эса Meteoritics and Planetary Science журналида чоп этилади.

Тадқиқотлар доирасида олимлар Stardust миссияси жараёнида тўпланган маълумотларни таҳлил қилишди. Ушбу миссия вақтида махсус фазовий аппарат фазо чангини тўплаш билан шуғулланди. Бунинг учун мазкур аппарат аэрогел – асосан «тешик»лардан иборат бўлган материалдан тайёрланган қопқон билан жиҳозланган.

81 Р/Вильда кометаси думидан материал олиш учун фойдаланилган аэрогел намуналаридан бирида тадқиқотчилар глицин аминокислотаси борлигини қайд этишди. Олимларнинг сўзларига қараганда, намуналарни лаборатория таҳлилидан ўтказиш учун улар икки йил давомида изчил иш олиб боришган. Олимлар таъкидлашича, аввал аминокислоталар метеоритлар ва ҳатто шунчаки фазо чангидан ҳам топилган. Глициннинг Вильда кометаси думидан топилиши эса биринчи, аммо қандайдир маънода объектив қонуниятларга асосланган воқеадир.

ҚУРОЛ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛИБ

Яман республикасида аср ўғрилиги содир этилди: номаълум жиноятчилар банкка пул олиб кетаётган автомобилни тўхтатиб, 100 миллион реал (494 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги пулни ўғирлаб кетдилар, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

Босқинчилар ўз машиналари билан Адан шаҳрининг марказий банки томон кетаётган зирҳли машинани шоссе чеккасига сиқиб чиқардилар ҳамда пулни олиб кетаётган инкассаторларга қурол билан таҳдид қилиб, уларни машинадан тушириб юбордилар ва Араб банкининг маҳаллий бўлимига тегишли бўлган мазкур зирҳли машина ва ундаги пулларни олиб қочдилар.

2013 ЙИЛДАН АМАЛГА ОШИШИ МУМКИН

Фазони ўзлаштириш билан шуғулланувчи Excalibur Almaz Limited (ЕА) халқаро компанияси 2013 йилдан бошлаб тижорий буюртмачилар учун ҳафталик орбитал фазовий учишларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Бунинг учун Россиянинг «ВПК «НПО машиностроения» (НПОМ) очиқ турдаги акционерлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган «Алмаз» русумли фазовий тизимнинг такомиллаштирилган элементларидан фойдаланилади.

«НПОМнинг техник ёрдамида ЕА лойиҳасининг амалга оширилиши мунтазам равишда фазога учиш ва фазодан қайтишни таъминлаш имконини беради. Мазкур лойиҳа Россиянинг фазовий технологиялар борасидаги тажрибасини халқаро хусусий корхона билан бирлаштиради ва бутун дунё бўйича буюртмачилар учун орбитал фазовий учишларни амалга ошириш бўйича ўз хизматларини таклиф этади», – дея таъкидланади компания пресс-релизида.

НПОМдан ташқари АҚШ, Европа ва Япониянинг аэрокосмик фирмалари ҳам ЕАнинг фазовий учишлари жараёнида техник кўмак берадилар. Фазовий учишлар таркибига юкларни етказиб беришдан тортиб, илмий тажрибалар ўтказишгача буюртмалар кириши мумкин.

ЎҒИРЛАНГАН САНЪАТ АСАРЛАРИ ҲАҚИДА



Интерпол (Халқаро жиноий полиция ташкилоти) ўғирланган санъат асарлари ҳақидаги маълумотлар жой олган интернет-базани ўз сайтида намойиш этди. Интерполнинг Санъат асарлари департаменти координатори Карл Хайнц Киднинг фикрича, ўғирланган асарлар ҳақидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши катта ўғирликларни текширишда ёрдам беради ва уларни тезроқ фош қилиш имконини яратади.

Сайтда эълон қилинган маълумотлар базасида бутун дунё бўйича ўғирланган 34 мингга яқин предметларнинг муфассал тавсифи ва суратлари берилган. Карл Хайнц Кинд таъкидлашича, Интерполнинг ушбу қадами «маданий мерос билан ноқонуний савдо қилишга қарши курашда муҳим восита» бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланган.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Обстрелян президентский дворец

В центре Кабула боевики движения «Талибан» обстреляли из минометов президентский дворец и здание штаб-квартиры полиции. По предварительным данным, пострадавших нет, сообщает телеканал «Аль-Джазира». Представитель талибов Забихулла Муджахид в телефонном разговоре сообщил агентству Reuters, что всего было произведено четыре выстрела. Подробности он сообщить отказался. Обстрел произошел за два дня до назначенных на 20 августа выборов президента Афганистана.

Япония выходит из кризиса

Япония стала третьей после Германии и Франции промышленно развитой страной, сообщившей о начале выхода из кризиса. Если рост, продемонстрированный Японией во втором квартале, сохранится в третьем и четвертом, то по итогам 2009 года ее экономика вырастет на 3,7%. Японская экономика в большой степени зависит от экспорта, так что экономический рост в других странах будет значительно способствовать ее выходу из рецессии.

Скончался бывший президент Южной Кореи

Причиной смерти стали осложнения после пневмонии. Экспрезидент считался одним из самых ярких региональных политиков. Его политический курс был официально назван «луч солнца». Ким Дэ Чжун, бывший диссидент, стал первым лидером Южной Кореи, посетившим Пхеньян. И за улучшение отношений с КНДР он был удостоен в 2000 году Нобелевской премии мира. В 70-х и 80-х годах Ким Дэ Чжун вел борьбу с правительством собственной страны – он протестовал против авторитаризма и выступал за переговоры с Северной Кореей.

Китайцы первыми испытали вакцину

Китайские ученые завершили клинические испытания вакцины против опасного вируса гриппа A/H1N1, от которого скончались более 2000 человек во всем мире. Предварительные результаты испытаний свидетельствуют о действенности вакцины. Тесты, в которых принимали участие 1614 добровольцев, проходили с 22 июля по 15 августа. У всех пациентов появилась иммунная реакция, а в их крови были обнаружены антитела, способные противостоять смертоносному вирусу.

Арестован главный представитель талибов

Пакистанским военным удалось захватить человека, которого они считают главным представителем талибов по связям с общественностью, сообщает Интерфакс со ссылкой на британскую телерадиокорпорацию Би-Би-Си. Операция по захвату Маулви Омара была произведена в одной из деревень племенной области Мохманд в составе Северо-западной пограничной провинции Пакистана на границе с Афганистаном, сообщили представители службы безопасности Пакистана, передает РИА Новости.

В Голландии требуют уплаты штрафа

Судебные приставы Голландии требуют с бывшего управляющего ЮКОСа Эдуарда Ребгуна уплаты штрафа в размере 500 тыс. евро за неисполнение решения суда Амстердама о восстановлении контроля Group Menatep над голландской компанией Yukos Finance, бывшей дочерней компании ЮКОСА. В случае если штраф не будет выплачен, голландцы угрожают арестовать зарубежные активы Ребгуна, который, утверждает, что активов за рубежом не имеет.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ички таъминот бўлинмаларида

УЛУҒ АЙЁМ ТАДОРИГИ

Юртимиз энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақилликнинг шонли ўн саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудида. Ўтган йиллар давомида истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб эришган ютуқларимиз ҳақида ҳар қанча фахр-ифтихор билан гапирсак арзийди. Шаҳар ва қишлоқларимиз янада чирой очди, йўллар, кўприклар, боғу роғлар юрт кўркига янада кўрк қўшди, юқори қувват билан ишловчи заводлар, қўшма корхоналар мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада оширмоқда, олтиндай товланиб ётган буғдойзор далалар элнинг тўкис-фаровонлигидан сўзлайди. Буларнинг ортида заҳматкаш халқимизнинг фидокорона меҳнатлари бор.

Улуғ байрамга барча соҳалар муносиб туҳфалар тайёрлаганлар. Қуролли Кучларимиз ҳам улуғ байрамни жанговар ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтсак арзийдики, ўтган йиллар давомида она Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқони бўлган профессионал асосдаги миллий армия шаклланди. Бу унда олиб борилган изчил ислоҳотларнинг маҳсулидир. Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ғамхўрликни алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Мамлакатимиз раҳбари шундай таъкидлаган эдилар: «...мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, бу вазифаларни бажаришнинг муҳим ва узвий қисми бўлган ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек буюк ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, уй-жой ва социал-маиший шароитларини янада яхшилаш, иш ҳақи миқдорини ошириш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади».

Дарҳақиқат, бугунги кунда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кўпдан-кўп эзгу ишларда ана шу сўзларнинг акс-садосини кўришимиз мумкин. Айни дамда Мудофаа вазирлиги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати фаолияти асосида ҳам ана шу мақсад турибди. Кейинги йилларда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати ички таъминот бўлинмалари фаолияти сезиларли даражада жонланмоқда. Юртимизда ёз айни пишиқчилик давридир. Бетакрор замин табиати кеч кузга қадар миришкор деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотларни туҳфа этаверади. Айни кунда тўкинчилик фасли неъматлари аскарларимиз дастурхонига кўрк бағишлаб турибди.

Шу кунларда дала-ўқув машғулотлари қизғин паллага кирган. Табиийки, посбонларнинг озиқ-овқат таъминоти ҳам талаб даражасида бўлиши керак.

– Ёзнинг жазирама иссиғида болдек ширин тарвузлар ейиш жонга роҳат бағишлайди, – дейди оддий аскар Дилшод Хайруллаев. – Биз посбонлар учун ана шундай полиз маҳсулотлари, мева-чевалар етиштириб бераётган миришкор деҳқонлар, боғбонлардан миннатдормиз. Посбон дастурхонида ҳам юртимиздаги пишиқчилик палласи акс этиб турибди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлимлари ҳам улуғ байрамга алоҳида ҳозирлик кўрмоқдалар. Муборак байрам арафасида ҳарбий шаҳарчаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасини ташкил этиш режалаштирилган. Унда ўндан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлиб, бозор нархидан йигирма беш-ўттиз фоиз арзон нархларда сотиляпти. Бу борада олиб борилаётган ишларда Шарқий ҳарбий округи ҳамда Марказий ҳарбий округи миришкорларининг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Қуролли Кучлар хизматчиси Ботир Эргашев Марказий ҳарбий округининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўлимига етакчилик қилади:

– Мустақиллик байрами арафасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Мазкур ярмаркани юқори савияда ташкил этиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Шу кунга қадар саксон етти миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Бу ўтган йилнинг шу кунларигача бўлган кўрсаткичлардан анча юқоридир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизматининг илғор бўлимлари ҳақида гап кетганда Қуролли Кучлар хизматчиси Толиб Раҳмонов етакчилигидаги жамоа ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Мазкур бўлим шу кунга қадар саксон миллион сўмликдан ошиқ маҳсулот етказиб берди. Бу борада Тошкент ҳарбий округи миришкорлари ҳам етакчилик қилмоқда. Уларнинг шу кунга қадар етказиб берган маҳсулотлари бир юз йигирма етти миллион сўмликдан ошиб кетди. Бундан кўриниб турибдики, байрамга астойдил тайёргарлик кўрилган ва режалаштирилган ярмаркалар ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун айём туҳфаси бўлади.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

– Бугунги далалар, боғлардаги пишиқчилик кўзимизни қувнатиши табиий, – дейди офицер Саидаббос Раҳимов. – Бу кўзларни қувонтирадиган далалар, боғлар ортида кўпда ҳам кўзга ташланмайдиган деҳқоннинг фидокорона меҳнати мужассам. Ички таъминот бўлинмалари қишга тайёргарликни ҳам бошлаб юборишган. Биргина пиёзнинг ўзидан мўл ҳосил етиштирилиб, у ҳарбийларимиз эҳтиёжидан ҳам ортмоқда.

– Ҳарбий қисм ички таъминот бўлинмасининг 40,2 га ери мавжуд бўлиб, унда олти турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади, – дейди озиқ-овқат хизмати бошлиғи катта лейтенант Санжар Бозоров. – Помидор, бодринг, сабзи, пиёз, картошка, карам каби маҳсулотлар аллақачон аскар дастурхонидан жой олган. Яқиндан бошлаб тарвуз етказиб берила бошланди. Ҳосилдорлик яхши. Деҳқонларимиз йилни муваффақиятли якунлашлари ҳозирданоқ кўриниб турибди.

Аскарларимизга қувват берадиган сервитамин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бераётган миришкор деҳқонлардан бири Муҳаммаджон Маҳмудовдир.

– Бу йил об-ҳавонинг анчагина ноқулай келишига қарамасдан мўл ҳосил етиштиришга эришдик, – дейди Муҳаммаджон Маҳмудов. – Кейинги йиллардан маҳсулот турларини янада оширишни мўлжаллаяпмиз.

Ҳа, ички таъминот бўлинмаларида узоқни кўзлаб режалаштирилаётган ишлар талайгина. Шулардан бири йилқичиликни ривожлантиришдир. Мудофаа вазирлиги томонидан кейинги пайтларда бу соҳага эътибор кучайган. Маълумки, шундай ҳудудлар борки, уларни мунтазам назорат қилиш бирмунча мураккаброқ. Ана шундай пайтларда отлар инсонга беминнат ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, балиқчиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун имкониятлар излаб топилиб, сунъий сув ҳавзалари яратилди. Дастлабки натижалар кўзга кўриниб қолди. Қисқа қилиб айтганда, ички таъминот бўлинмалари фаолиятида юксалиш жараёни кўзга ташланмоқда.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Асаларичиликка ана шундай баҳо берилади. Келажакда ички таъминот бўлинмаларида асаларичиликнинг янада ривожланиши кутилмоқда. Чунки бу соҳадаги дастлабки натижалар қувонарлидир.

Асаларилар ҳақида жуда кўплаб рисолалар ёзилган. Уларни бирозгина кузатсангиз, ўзингизни ғаройиб мўъжизанинг гувоҳи бўлгандек сезасиз. Асаларилар инсонга номаълум бўлган темир интизомга бўйсунадилар, назаримда. Эътибор беринг-а: ишчи асалари, санитар асалари, қўриқчи асалари, насл қолдирувчи... ва ҳоказо.

Тошкент ҳарбий округининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўлими ҳам асаларичиликни ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Ўтган йили илк бор 180 килограмм асал олинган эди. Жорий йилда эса 220 килограмм шифобахш неъмат олиш режалаштирилган. Йилнинг ёғинсочинли келиши бу соҳанинг ривожланишига бироз салбий таъсир кўрсатиши маълум. Шунга қарамай соҳа фидойилари табиий қийинчиликларни енгиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Сержант Бекмирзо Абдураимов ички таъминот бўлинмасида асаларилар парвариши билан шуғулланади. Асаларичилик бирмунча мураккаб соҳа. Бу борада мазкур соҳа сир-асрорларини билмай туриб, бирор натижага эришиб бўлмайди.

– Асаларичилик мен учун ота касб, – дейди сержант. – Болаликдан отамга бу ишда ёрдамлашиб катта бўлганман. Албатта, ўзига хос қийинчиликлари бор. Улар жуда нозик бўлади. Доимий эътиборни талаб қилишади. Фойдали томонлари кўп. Боғлар, дала экинлари учун тенгсиз чангловчи вазифасини бажарадилар. Асалнинг шифобахш хусусиятларига эса тўхталиб ўтирмасам ҳам бўлади.

Айни кунда қирқ учта асалари уяси «ишлаб турибди». Ҳар бир уядан тўрт килограмм асал олиш мўлжалланган.

– Йил серёғин келганлиги сабабли асал олиш бироз орқага сурилди, – дейди қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизматининг бошлиғи офицер Дониёр Муродов. – Назорат-текширув жараёни натижалар ёмон бўлмаслигини кўрсатмоқда. Дастлабки маҳсулот билан дала-ўқув машғулотларини ўтаётган посбонлар таъминланадилар. Шифобахш табиий асал улуғ байрам арафасида ташкил қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасидан ҳам жой олади. Халқимизда етти хазинанинг бири деб эътироф этиладиган мазкур соҳани янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Йил якунига қадар Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати фаолияти самарасини белгиловчи рақамлар янада салмоқлироқ бўлиши шубҳасиз. Ҳа, ҳали олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифалар, улкан режалар кўп. Буларнинг барчаси ҳамжиҳатликда, оқилона ўйланиб амалга оширилади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



МАҲОРАТ

Дала-ўқув машғулотларидан дараклар

ЭГАЛЛАЙМИЗ САБОҚЛАРНИ МАРДЛИК, МАТОНАТ ИЛА

Юртимиз бўйлаб энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллик айёмини муносиб кутиб олиш ва ўтказишга тайёргарликлар қизғин паллага етган шу кунларда юрт ҳимоячилари ҳам жанговар шайликларини, маҳорат ва малакаларини янада оширишга интилишмоқда. Мавсум машғулотлари давомида ҳарб илмининг юксак чўққиларини забт этишга аҳд қилган азаматлар зиммаларидаги масъулиятли ва шарафли вазифаларини сабот билан адо этишаркан, бу билан сарҳадларимиз дахлсизлигини, осойишталик барқарорлиги ва истиқлолни ишончли ҳимоя қилишдек эзгу мақсадни кўзлаганлар.

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНАР ЎҒЛОН

Эл корига яроқли топилиш ва истиқлолни асраш йўлида хизмат қилиш ҳар бир эр йигит учун улкан ютуқ, юксак натижадир. Қадимдан бирор хонадонда ўғил фарзанд туғилса, бўлажак юрт ҳимоячиси дунёга келди, дея қувонишган. Паҳлавон бўлсин, ботир бўлсин, деб ният қилиб, исмларини-да шунга менгзаб қўйишган. Ҳа, эр йигит – эл-юрт таянчи. Ёвқур ўғлонлари бор юртга биров дахл қилолмайди. Паҳлавон фарзандлар Ватанини, халқини ҳамиша ишончли ҳимоя қилади. Тинчлигини таъминлайди.

Бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган марди майдонларимизни ҳам ҳақли равишда ана шундай ботирлар сирасидан санасак, муболаға қилмаймиз. Осойишталик йўлида ўз ҳузур-ҳаловатларидан кечиб, мардлар касбини шараф деб билган азаматларимиз постларида огоҳ ва сергакдирлар. Уларнинг ҳар томонлама шаклланишлари, юксак маҳорат соҳиблари бўлишлари учун бугун барча шароит ва имкониятлар етарли. Бу борада тайёргарликларнинг узлуксиз ва сифатли тарзда олиб борилиши муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, посбоннинг бевосита амалий кўникмаларини мустаҳкамлашда дала-ўқув машғулотларида эгалланган сабоқлар ўзига хос ўрин тутади. Яъни бу ерда назарий эгалланган билимлар амалий тарзда адо этилади, синалади. Шу боис ҳам дала-ўқув машғулотларини посбон учун синов майдони, десак хато қилмаймиз.

Посбон ана шундай синовларда тобланади, машғулотлар маҳоратини оширади. Барча тайёргарликларда шаклланиб, тобланиб борган ўғлон шу тариқа чинакам профессионал, юксак салоҳиятли бўлиб шаклланади. Келинг, фикримизни бевосита уларнинг дала-ўқув машғулотлари мисолида давом эттирайлик.

ШАРОИТ ВА ВАЗИЯТГА МОСЛАШИШ

Одатда, кўпчилигимиз дала-ўқув машғулотларини маълум бир тартибга келтирилган ва барча шароитлар бадастир таъминланган полигонда ўтказилади, деб биламиз. Бу ҳам қайсидир маънода тўғри. Бироқ посбон ҳар қандай ҳудудда ишончли ҳаракатлана олиши, вазиятга ва шароитга мослашиб, кўникмасини ошириб бориши, нафақат ўқув полигонларида, балки тоғ-чўл шароитларида ҳам вазифасини пухта адо эта олиши учун машғулотлар шунга мослаштириб олиб борилади. Мана, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари офицер Баҳром Юсупов хизмат қилаётган взвод посбонларининг тоғ шароитида жанговар сабоқларни эгаллаш борасидаги машғулотларини олайлик. Белгиланган жойга етиб келингач, взвод командири офицер А. Любивий шахсий таркибга дам олиш учун қисқа фурсат тўхташга рухсат берди ва координаталарини алоқа воситаси орқали қўмондонликка маълум қилиб, вақтинчалик қароргоҳ учун жой танлашга рухсат этилишини сўради. Қўмондонлик қароргоҳ тиклашга рухсат бергач, посбонларнинг барчасига вазифалар тақсимланди.

Аввало, вақтинчалик қароргоҳ жойлашиши лозим бўлган нуқтага олиб борадиган йўл ва чор-атрофга кузатув пунктлари ўрнатилиб, соқчилар тайинланди. Пухта ниқобланиб олган навбатчилар мазкур пунктларда юксак ҳушёрлик билан чор-атрофни кузатиб туришаркан, уларнинг компас, харита, қайдлар дафтари, узоқни яқин қилиб кўрсатувчи заррабин, алоқа воситалари каби барча зарур жиҳозлар билан бекаму кўст таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Қароргоҳ ўрни яхшилаб текшириб чиқилгач, муҳандислар уни дала шароитида электр билан таъминлашга киришишди. Ўз касбининг усталари шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, сержант Тоҳир Исломов бошлиқ шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскарлар Лазиз Содиқов ва Баҳодир Бужуловлар бу борада вазифани сидқидилдан, сифатли адо этишди.

Таъминот ишлари бўйича масъул шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, кичик сержант Пўлат Шониёзов ва кичик сержант Бахтиёр Сатторовлар ошхона ва озиқ-овқатлар сақланадиган омборхонани қулай жойга ўрнатишга тутинди. Чор-атроф ўт-ўланлардан тозаланиб, овқат тайёрлаш ва чой қайнатиш учун ўчоқлар қурилди. Уларнинг ёнидан супачалар тайёрланди. Бир чеккага эса таомномалар жадвали ва ошхона бўйича масъул посбоннинг ҳужжатлари акс эттирилган тахта ёрлиқ осилди. Хуллас, дала шароитида шахсий таркибни овқатлантириш учун ошхона талаб даражасига келтирилди.

– Сифатли озуқа посбонга куч-қувват бағишлайди, – дейди кичик сержант Пўлат Шониёзов. – Шу боис вазифага астойдил ёндашиш, таомларни алоҳида меҳр билан тайёрлаш зарур деб биламан. Бу орқали сафдошларимга озгина бўлса-да кўмак беролсам, хурсанд бўламан.

Кичик сержант Пўлат Шониёзов профессионал посбонга қўйиладиган талабларни яхши билади. У сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичида ҳам муваффақиятли таҳсил олган. Спорт ва ҳарбий хизматнинг узвий алоқадорлигини яхши англайди. Миллий кураш бўйича иккинчи разряд соҳиби бўлган кичик сержант Шониёзов мусобақаларда ва жамоат ишларида ҳам фаол. Посбоннинг қатъий шиори – бу доимий ҳушёрлик ва шайлик. Бу ҳол Ватанимизнинг юксак мукофоти "Со-



МАҲОРАТ

диқ хизматлари учун" медали соҳиби бўлган посбоннинг ғайрат-шижоатини яққол кўрсатади.

Шу тариқа палаткалар қўйиладиган майдон танланди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари бурчаги, кутубхона, тиббиёт пункти, автомобиллар учун вақтинчалик парк, қурол-аслаҳа сақлаш бўлмаси, дам олиш ва ювиниш жойи каби барча зарур бўлмалардан иборат қароргоҳ тикланди. Заҳарли ҳашарот, илон ва чаёнлардан ҳимояланиш учун қароргоҳ тегараси тўсиқлар билан иҳота қилинди. Барча ишлар якунига етгач, командир шахсий таркибга қўйилган вазифа ҳамда хавфсизлик қоидалари ҳақида яна бир бор тушунтириш бериб, машғулотлар кун тартиби асосида давом эттирилишини буюрди.

ТАЙЁРГАРЛИКЛАР ҚАТЪИЙ ТАЛАБ АСОСИДА

Ҳарбий хизматнинг ўзига хос томонларидан бири ундаги ҳар бир топшириқнинг вақтида, қатъий бажарилишига пухта амал қилинишидир. Хизматнинг низом билан ўрнатилган қонунияти армиянинг мустаҳкам асосини таъминлайди. Мана, гарчи шахсий таркиб далада, тоғ шароитида ўқув машғулотларини ўтказаётган бўлсада, тайёргарликлар узилишларсиз олиб борилмоқда. Жумладан, жанговар тайёргарликлар қатори ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тезкор ахборот етказиш ва тарбиявий ишлар ҳам дастурга мувофиқ ўтиши таъминланаяпти.

– Тарбиявий ишлар узлуксиз жараён, – дейди офицер Баҳром Юсупов. – Уни нафақат машғулотлар давомида, балки жанговар навбатчиликларда ҳам олиб борамиз. Бундай ҳолларда фаоллар ёрдамига таянилади.

Тарбиявий ишлар бўйича масъул офицер етакчилигида взводда дала шароитида жанговар варақалар ва деворий газеталар ҳам чиқариш йўлга қўйилган экан. Унда посбонлар учун зарур тавсиялар, эслатмалар, гуруҳ илғорлари ҳақидаги мақола ва хабарлар, табриклар ва бошқа маълумотлар акс эттирилади.

– Дала шароитида ҳар хил вазиятга тайёр туриш ва ундан чиқиб кетиш йўлларини билиш посбонга қўйиладиган муҳим талаблардандир, – дейди взвод фельдшери тиббий хизмат кичик сержанти Нарзулла Маматов. – Масалан, жароҳат олганда ёки бирор аъзо лат еганда биринчи ёрдам кўрсатиш, бу борада сафдошларига ҳам кўмакка шай туриш кабилар тиббий тайёргарликларда ўргатилади.

Кичик сержант Маматов посбонларнинг тиббий тайёргарликларини мустаҳкамлаш учун уларга шартли жанг чоғида ярадорга қандай ёрдам бериш ва уни хавфсиз жойга олиб ўтиш бўйича зарур тавсияларни бевосита амалий тарзда кўрсатиб берди. Бу унинг касб сирларини яхши билишидан далолат.

ЖАНГОВАР МАШҒУЛОТ ИЛҒОРЛАРИ

Юқори қўмондонликдан олинган буйруққа мувофиқ взвод жанговар шай ҳолатга келтирилди. Разведка берган маълумотлар асосида шартли душманни қидириб топиш ва йўқ қилиш керак. Командир шахсий таркиб билан тегишли тартибда йўриқнома ўтказгач, ҳар қайси гуруҳга белгиланган вазифаларни етказди ва шартли душман жойлашгани эҳтимоли тутилаётган нуқтанинг координаталарини харитадан кўрсатиб, олға ҳаракатланиш учун буйруқ берди.

Командирнинг буйруғига биноан муҳандис-посбонлар олдинга ўтдилар. Уларнинг ортида мерганлар. Посбонлар чор-атрофни кузатиб боришаркан, адашиш нафақат ўзлари, балки бутун взвод учун қимматга тушишини асло унутмасдан, сергаклик билан ҳаракатланишарди. Икки ён ва орқа томоннинг кузатувини таъминлаб келаётган посбонлар ҳам огоҳлик ишончли қурол эканини ёдларидан чиқаришгани йўқ. Муайян масофага ҳаракатланишгач, офицер Шерзод Умаров етакчилигидаги гуруҳ посбонлари пистирмада қолдирилди. Офицер Фарҳод Ҳожихўжаев ва офицер Ботир Дуйсинов етакчилигидаги гуруҳлар шартли душманни икки томондан қуршаб олиш учун ажралдилар. Ҳар бир гуруҳга аниқ ва ишончли ҳаракатланиш учун тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилди. Жумладан, алоқанинг ҳамиша мустаҳкам таъминланиши алоҳида уқтирилди.

Офицер Фарҳод Ҳожихўжаевнинг шартли душманни чап томондан қуршаб олганлик ҳақидаги хабари командирга етказилди. Офицер Ботир Дуйсинов ҳам манзилга бешикаст етиб келганини ва галдаги вазифани бажаришга шайлигини билдиргач, ҳужум қилишга буйруқ берилди. Ҳар икки томондан қуршовга тушганини билиб қолган шартли душман галалари пароканда бўлиб, хавфсиз кўринган томонга чекина бошладилар. Мерганларнинг ўзларини кўрсатадиган вақт келганди. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бекзод Абдурасулов, кичик сержантлар Нозим Умаров ва Сафар Сиддиқовлар бу борада моҳир эканликларини намойиш қилишди. Асосий кучларимиз таъқибидан бир амаллаб узоқлашиб улгурган шартли душманнинг қолган кучлари пистирмада шай туришган офицер Шерзод Умаров бошлиқ посбонларнинг қақшатқич зарбасига дуч келишди. Кўзда тутилган жанговар тактик усул самара берди.

– Бугунги машғулотда шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, кичик сержантлар – Элёр Саидмирзаев, Лазиз Содиқов, Шавкат Дўсмуродов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жамол Эргашевлар алоҳида намуна кўрсатишди, – дейди офицер А.Любивий. – Қўл остимдаги посбонларнинг барчаси ўз касбининг ҳақиқий усталари, шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар ва сержантлар. Аксарияти сержантлар тайёрлаш мактабида сабоқларни пухта эгаллаб келишган. Зиммаларидаги вазифанинг жиддийлигини, кимга ва нима учун хизмат қилаётганини яхши билишади. Гуруҳлар ўртасида ўзаро мусобақадошликнинг йўлга қўйилгани эса уларнинг яна ҳам интилувчан бўлишларини таъминламоқда. Айни пайтда офицер Ботир Дуйсинов етакчилигидаги гуруҳ шунқорлари тайёргарликларнинг барча турларидан юксак натижалар қайд этишиб, илғор деган номга сазовор бўлиб турибди. Ишонаманки, қолган гуруҳлар ҳам улардан ибрат олиб, мавсум машғулотлари давомида янгиянги зафарларни қўлга киритишади. Шунингдек, ҳарбий учкураш бўйича биринчи разряд соҳиби офицер Шерзод Умаров ҳам энг маҳоратли, намуналилардан. У мазкур натижага курсантлигидаёқ сазовор бўлиб улгурган. Сафдошларимнинг устувор вазифаларни шараф билан уддалаб, Юртбошимиз томонидан билдирилган ишонч ва кўрсатилаётган ғамхўрликларга аъло хизматлари билан жавоб қайтаришларига ишонаман. Эришган натижаларимизни улуғ Истиқлолнинг 18 йиллик тўйига ҳадя деб биламиз.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ТАРАҚҚИЁТ

ИЧКИ БОЗОР УЧУН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Сурхондарё вилоятида Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятда турли қувват билан ишлайдиган еттита гўшт, саккизта сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси барпо этилади. Айни мақсадда йилнинг ўтган даврида Қизириқ туманидаги «Сурхон колбаса» Денов туманидаги «Файзиқул–Файз–Баракат» хусусий корхоналари, «Шўрчиевротехинвест» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди.

– Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қулай шароит замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Ориф Раҳмонов. – Тадбиркорларимиз гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб, ички бозорга сифатли ва арзон маҳсулотлар чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу кунларда Бойсун тумани марказида гўштни қайта ишлаш мини-технологиясини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Йил охиригача Бандихон, Сариосиё ва Узун туманларида ҳам ана шундай корхоналар фойдаланишга топширилади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги арафасида Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида ўнга яқин турда сут маҳсулотлари тайёрлаш имконига эга янги корхоналар иш бошлади.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Навоий шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят марказида 267 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини йўлга қўйди.

– Йилнинг биринчи ярмида шаҳримизда қарийб 80 миллиард сўмлик товар айланмасининг 98,6 фоизи хусусий сектор улушига тўғри келди, – дейди Навоий шаҳар тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси раҳбари Умрзоқ Турниёзов. – Мустақиллик байрами арафасида тадбиркорларимиз томонидан қурилиш учун пеноблок ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Навоий пенобетон», гўштни қайта ишлайдиган «Кармана сут», нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Умид–2001», «Навоий торг ресурс» корхоналари ҳамда йил давомида сабзавот ва мева етказиб берадиган «Холбобо ва унинг набиралари», «Навоий–Зиё–Нур», «Навоий агро», «Боғи эрам меваси» сингари иссиқхоналар фойдаланишга топширилди. Хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобига мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

ЎзА.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

«...Қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва шу тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан қишлоқ аҳолиси, аввалambор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини оширишдек муҳим мақсадлар дастурда ўз ифодасини топиши лозим», дейди Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Хўш, Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ва ундан келиб чиқиб қабул қилинган давлат дастури ижроси борасида нималарга эришдик? Келинг, буни Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича маълумотлар асосида кўриб чиқайлик.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида ободонлаштириш бошқармалари учун 126 та янги махсус транспорт воситалари харид қилинди, 2 минг км. электр узатиш тармоқлари таъмирланди.

Қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган коммунал хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ жойларида 839 километр сув тармоқлари ва 435 километр газ қувурлари ўтказилди.

Қишлоқ жойларидаги қурилишни молиявий тарафдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш банк» ташкил этилди. Ҳисобот даврида қишлоқ жойларида 2861,3 минг кв.м уй-жой фойдаланишга топширилди.

Иқтисодиётнинг аграр тармоғи самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чоралар доирасида, энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналарни барпо этиш ишларини жадаллаштириш эвазига ортда қолган давр мобайнида мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи мини-технологиялар билан жиҳозланган 66 та корхона ташкил этилди. Умумий майдони 341 гектарга тенг бўлган енгиллаштирилган конструкцияли, муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланувчи 648 та иссиқхона ташкил этилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш учун аванс ажратиш, уларни харид қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича 13 та ҳудудий ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компаниялари ташкил этилди.

Экин майдонларини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган чоралар натижасида мамлакатимиз фермерлари томонидан 4,4 млн. тонна ғалла етиштирилди, ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан сабзавот – 17,0 фоизга, картошка – 29,6 фоизга, полиз экинлари – 17,0 фоизга, мевалар – 26,0 фоизга ва узум етиштириш – 34,3 фоизга ортди.

Қорамоллар сони 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 6,5 фоиз ошди. Гўшт – 6,7 фоиз, сут – 6,6 фоиз, тухум етиштириш – 15,3 фоизга ортди.

Шу кўрсаткичларнинг ўзи қишлоқларимиз янада обод бўлаётгани, қайта чирой очаётгани, аҳоли фаровонлиги ошиши йўлида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ОБОДЛИК, ФАРОВОНЛИК НИШОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАННАТМАКОН ЮРТ. САХОВАТЛИ ОНА ЗАМИНИМИЗНИНГ ҲАТТО ТОШИДА ҲАМ ГУЛ УНАДИ. КЎНГИЛЛАРНИ ЯШНАТАДИГАН БОҒУ РОҒЛАРДА, ДАЛАЛАРИМИЗДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ХИЛМА-ХИЛ МЕВА-ЧЕВАЛАРНИНГ САНОҒИ ЙЎҚ. ШУ БОИС ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИДА ҲАМ БОЗОРЛАРИМИЗДАН САРХИЛ МЕВАЛАР АРИМАЙДИ. БУ ОБОДЛИКДАН, ФАРОВОНЛИКДАН НИШОНАДИР.









ТОШКЕНТ–2200

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН

Ватанимнинг пойтахти, элимнинг ифтихори – Тошкент! У ҳақда ўйлаганимда негадир кўз олдимда нуроний оқсоқол қиёфаси гавдаланаверади. Юзларида нур балққан, самимияти қалбларга хуш ёққан, қароқлари меҳр уммонидан сув ичган бир мўйсафид... Юз-кўзларидаги ажинлар умр сўқмоқларининг заҳматларидан, тақдирнинг кажрафторлигидан, бошдан ўтган турли мусибату кўргиликлардан хабар бераётгандек. Қўлларидаги қадоқлар асрлар мобайнидаги меҳнаткашлик, яратувчанлик, бунёдкорлик изларидай туюлади менга. Меҳр билан силайман бу табаррук бармоқларни...

Улуғ ёшни қарши олаётган бу отахонга, рости, ҳавасим келади. Бугун тақдиридан мамнунлик, розилик акс этмишдир унинг қиёфасида. Ҳа, истиқлолнинг хуш насимлари, ҳурлик аталмиш "наҳрул ҳаёт" унга гўё қайта ҳаёт бахш этди. Озод ва обод юртнинг бош кенти, деган номга сазоворлик, асрий орзулар мустажоби унинг умр саҳифасида янги саҳифаларни очди. Навқирон бир шаҳар каби дунёга бўйлаша бошлади, Тошкент!

МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАСКАНИ

Иккинчи жаҳон уруши ер юзидаги кўплаб халқлар бошига ҳалокатли ғазабларни, мусибатларни солди. Оналарни фарзандидан, ёрдан, ота-оналарни акадан, укадан жудо қилди, бу даҳшатли муҳораба.

Уруш йилларида ўзбекнинг сара ўғлонлари фашизм балосига қарши курашди, бу йўлда азиз жонларини-да қурбон қилдилар.

Аммо айрилиқ, ўлим, очлик, урушнинг минг бир машаққати ўзбек элининг иродасини буколмади, бардошини синдиролмади. Халқимиз фронт ортида бемисл жасорат ва матонат кўрсатиб, кундузларни тунларга улаб, тинимсиз меҳнат қилди. Табиийки, бунда тошкентликларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кўпчилик яхши билади, фашистлар босиб олган ҳудудлардан турли миллатга мансуб 1 млндан ортиқ киши, жумладан, 200 минг нафар бола Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Уларнинг катта қисми Тошкент хонадонларига жойлаштирилди. Кўплаб ўзбек оилалари икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз қарамоғига олди. Биргина тошкентлик Ш. Шомаҳмудовлар оиласи томонидан уруш туфайли ота-онасидан, бошпанасидан ажралган 14 нафар бола асраб олингани, уларга ўз фарзандлари қаторида тарбия берилгани ҳам буниг ёркин исботидир.

Бир тарафда фарзанд, жигар, ёр ҳажри, улардан жудолик алами, бир тарафда рўзғор қайғуси, бошқа томонда фронтга ёрдам бериш ташвиши... Ўзи оғир аҳволда бўлишига қарамай, халқимиз бағридан уларга жой берди, етимларнинг бошини силади, бир сўз билан айтганда, улкан маънавий жасорат кўрсатди. **"Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз... Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиш, бу фазилатни доимий кундалик мезонга айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу... Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади"** ,дейилади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида.

Бугун юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг кўпчилиги иккинчи жаҳон урушн даврида кўчириб келтирилган инсонларнинг авлодларидир. Ўзбек элининг бағрикенглиги, сахийлиги, маънавий жасоратига гувоҳ бўлган ва бундан ҳайратланган аждодлари каби улар ҳам бугун Ўзбекистонни ўзлари учун Ватан, Тошкентни киндик қонлари тўкилган, боболар ҳоки қўйилган муқаддас маскан, деб биладилар. Халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғи остида майдонга тушадилар, ҳорижга чиққанларида ўзларини барвақт "Мен тошкентликман", "Ўзбекистон фарзандиман", дея таништирадилар.

ТАЪРИФИ – ЗАРВАРАҚЛАРДА

"Адабиёт – миллат ойнаси", деган эди миллий уйғониш (жадидчилик) даври адабиётининг вакили Абдулла Авлоний. Зотан, миллат тараққиётида, унинг асрлар силсиласидан омонда келишида тил ва адабиётнинг ўрни беқиёс. Шунингдек, у миллатга таъсир ўтказишнинг, элни маънавий таназзулга тушишдан сақлаш ва уйғоқликка чақиришнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Ўзбекистон Миллий университетининг "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари доктори Улуғбек Долимов Собир Раҳимов туманида туғилиб ўсган. Талабаларга дарс бериш асносида таниқли адабиётшунос олим шаҳар тарихи, унда яшаб ўтган алломалар, миллий расм-русумлар, анъаналар ҳақида тўлқинланиб гапиради. Айниқса, унинг юртимизнинг гўзаллигидан ҳайратланган, меҳмондўст, олижаноб халқини дўст деб билган, ҳайратларини ўз асарларида истифода этган ижодкорлар ҳақидаги ҳикояларини тинглаш мароқлидир.

– Пойтахтимиз азалдан кўпчиликнинг эътирофини қозониб, тилларда достон бўлиб келган. Қадим Тошкентнинг тарихи, урф-одатлари, меҳмондўст халқи ва анъаналари, қолаверса, иқлими ва табиати бу шаҳарга ташриф буюрувчиларни ўзига мафтун этгани манбалардан маълум. Жумладан, Навоийнинг кичик замондоши ҳиротлик Зайниддин Восифий (шоир ва муаррих) Тошкент ҳақидаги илк таассуротини шундай тасвирлаган:

"Бир шаҳар кўрдимки, ... атрофида Кайковус биноларидан чорбоғлар бўлиб, ундан Эрам боғининг дилида доғи бордир..." Муаллиф фикрича, у шундай бир шаҳардурки, ўзга юртлардаги подшоҳликдан бундаги гадолик улуғроқ. Чунки, Тошкентнинг тупроғи тупроқ эмас, тўтиё, суви эса обихаётдир.

Адиб шаҳар меваларини кўтариб олмай қолган кекса чолдек букилган серҳосил дарахтларни, дилбарларёнғоғини эслатувчи қирғиғи олмалар, сершув латиф шафтолилар, чинни ноклару мағиз бир умр ёддан чиқмайдиган бехиларни завқ-шавқ ила таърифлаган эди.

Восифийдан салкам тўрт юз йил кейин яшаган ижодкор Комил Хоразмийнинг Тошкент таърифида айтганлари ўзидан олдинги ижодкорларникига ниҳоятда ҳамоҳанг. Адибнинг **"Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд"** (Тошканднинг таърифи ва тавсифи баёнида) асари бу фикримизни тасдиқлайди. Мазкур асар ҳажман анчагина катта бўлиб, юз мисрани ташкил этади. Қасида жанрида битилган. Адиб ҳиссиётларининг унбу лирик намунаси ўз даврида "Туркистон вилоятининг газети"да чоп этилгани эътиборга молик.

Шоирнинг таъриф этишича, Тошкент шундай шаҳардурким, губори (чанги) "куҳлул жавоҳир" (қимматбаҳо тошдан ишланган сурма) сингари "тийра" (хира) кўзларни равшан қилиш қудратига эга.

Тийра кўзларни қилур равшан томошоси аниг,
Гўйиё куҳлул жавоҳирдур губори Тошканд
Лойиқ эрмас они ташбиҳ айламак ҳеч шаҳрга
Айласа ҳар ерга ташбиҳ ўлгай ори Тошканд.

Кўҳна кентнинг ажойиб табиати, таърифига тил ожизлик қиладиган боғ-роғлари шоирнинг-да ҳайратига, олқишига сабаб бўлади.

Бўлди меҳмон жойимиз ҳақ лутфидин бир боғким,
Мевазору, лолазору, нахлзори Тошканд.
Вусъати назҳатда рашки жаннатул маъводадурур
Кавсару тавсия наҳри жўйбори Тошканд...

"Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд" асари фақат таърифу тавсифдангина иборат эмас. Унда шаҳар аҳли, у тўрт дарвозадан иборат эканлиги, боғлар, иморатлар ва уларнинг қурилиши, айрим воқеалар тасвири ҳам берилган.

Комил Хоразмийдан 20 йил кейин Тошкентга келган "Вақт" (Оренбург) газетасининг мухбири Ш. Муҳаммадёров 1916 йили шундай ёзади: **"Мен Тошкентдагидай беадад соясалқин дарахтларни, кўчаларнинг ҳар икки ёнида шарқираб оқиб турувчи муздай ариқларни дунёнинг бирор ерида учратиш мумкин эмас, деб ўйлайман. Мен Парижнинг бульварларини кўрдим, Тошкентникига ўхшата олмадим".**

ДОНИНГНИ ЕГАН ЧУМЧУҚ...

Айтишларича, Тошкентнинг донидан чўқиган чумчуқ дунёнинг қайси бурчагидан бўлмасин, албатта, қайтиб келар экан. Бу ибора қанчалик ҳақиқатга яқинлигини билмадиму, лекин кўҳна кентнинг ўзига хос оҳанрабоси борлиги рост. Бу масканда бирров меҳмон бўлган, унинг ноз-неъматларидан тотган, "хушҳаволиқ" табиатидан баҳра олган инсон борки, имкон қадар яна бу ерга келишга интилади, талпинади. Буни уларнинг сўзларидан ҳам билса бўлади.

Муҳаммад Бин Хаммам (Малайзия, ОФК президенти): – Хизмат тақозосига кўра пойтахтингизга бир неча бор ташриф буюрганман. Таъкидлаш жоизки, шаҳарнинг табиати, бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, Ўзбекистон ҳукумати томонидан миллионлар ўйини бўлмиш футболни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, бу борада амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солмоқда. Юртингиз Осиёдаги футболи тараққий этган мамлакатлардан биридир. Миллий терма жамоа ва клубларингиз нуфуз жиҳатдан қитъада етакчи ҳисобланади. Жорий мавсумда Осиё чемпионлар лигасида Тошкентнинг икки жамоаси – "Бунёдкор" ва "Пахтакор" муваффақиятли тўп сураётгани , чорак финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритиб, ғалабали одимларини давом эттираётгани ҳам буни тасдиқлайди. Қисқа вақт ичида эришган ютуқларингизга чиндан ҳавас қилса арзийди.

Зобит Набизода (Озарбайжон, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчиси): – Ўзбек ва озарбайжон халқлари азал-азалдан қон-қардош элатлар ҳисобланади. Бу нарса тилимиз, динимиз, урф-одат, маданиятимиздаги уйғунликда ҳам намоён бўлади. Юртингиздаги Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Термиз, Хива, Марғилон каби қадимий шаҳарлар, уларни дунёга танитган ўзига хосликлар тўғрисида кўп эшитганман, ўқиганман. Мана, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида қатнашиш баҳонасида тўплаган маълумотларимни, бу шаҳарлар тўғрисидаги тасаввурларимни муқояса қилиш имкони туғилди. Айтиш керакки, кўрганларим эшитганларимдан минг чандон ортиқроқ, гўзалроқ, улуғворроқ бўлиб чиқди.

Нусҳат Эҳсон (Миср Араб Республикаси, саёҳатчи): – Тошкентга биринчи бор келишим. Кўҳна кентнинг табиати менга жуда манзур бўлди. Инсоният тамаддунининг дастлабки ўчоқларидан бири бўлгани учун юртимизга ҳар йили кўплаб сайёҳлар ташриф буюришади. Кўпчиликни дунё мўъжизалари сафидан жой олган Хеопс эҳроми, Сфинкс ҳайкали ва бошқа меъморий обидалар қизиқтиради-да. Бироқ сайёҳлар иқлимнинг нобоплигидан, ҳавонинг ниҳоятда иссиқлигидан азият чекишади, шикоят қилишади. Тўғри-да, мутлақо бошқача шароитда туғилиб ўсган инсонларнинг бундай муҳитга мослашиши қийин кечади. Аммо Тошкентда бунинг аксини кўрдим. Бу ерга саёҳатчилар Ер шарининг қайси бурчагидан келмасин, ўзини эркин ҳис қилади, яйрайди, ҳузурланади. Мўътадил иқлим, саховатли табиат барчани ўзига сеҳрлаши табиий. Қолаверса, мустақилликдан кейин юртингизнинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани, айниқса, пойтахтингиз кун сайин чиройи очиб, янада кўркамлашиб бораётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ана шундай жаннатмонанд юртда яшаётганлиги нгиз, аслида, энг катта бахтингиздир.

Хосе Луис Вильянуэва (Чили, "Бунёдкор" футбол клуби ҳужумчиси): – Тошкентда истиқомат қилаётганимга ҳам бир йилдан ошди. Бу шаҳарга илк қадам қўйган кезларимданоқ меҳр қўйдим. Унинг табиати, одамохун, хушфеъл, танти халқи, ўзига хос маданияти, бой тарихи мени ўзига ром айлади, десам хато бўлмайди. Ўтган вақт мобайнида шаҳардаги тарихий обидалар, меъморий мажмуаларнинг ажойиб намуналарини зиёрат қилишга улгурдим. Ўлка ўтмиши билан танишдим. У инсоният цивилизациясининг илк маконларидан бири эканидан бохабар бўлдим.

Яқинда мавсумдаги танаффус туфайли Ватанимга – ота-онамни кўришга бордим. Тан олиш керак, у ерда узоқ қололмадим. Нимадир мени орга қайтишга ундар эди. Ҳали дам олиш кунларим ниҳоясига етмаган бўлса-да, шаҳарга қайтдим. Шундагина руҳимда енгиллик сезилди. Билдимки, Тошкентга боғланиб қолибман.

Ҳа, Тангри назар солган юртда яшаётганимиз, чиндан бахтимиз, саодатимиздир. Доимо иқболинг баланд, чиройинг боқий, тараққиётинг бардавом бўлсин, она шаҳрим – Тошкентим!

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАЪНАВИЯТ

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

«Давлатимиз раҳбарининг Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида айнан 31 август – Мустақиллик байрами арафасини белгилашида: «Азиз ватандошлар! Сиз билан бизга насиб этган Ватан озодлиги, халқ эркинлиги деб қурбон бўлган, бугунги ёруғ кунларга етиб кела олмаган ота-боболаримиз ёдини унутмайлик. Мустақиллигимизнинг қадрига етайлик. Уни кўз қорачиғимиздек асрайлик!» – деган улуғ ҳикмат мужассам, деб ўйлайман», деган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов.

«Бугунги кунниng бахти, тахти, файзи ва тароватиниг шундаки, орзу ва армонлар рўёбга чиқяпти, ҳақиқат тантана қилмоқда. Истиқлол арафасида Юнусобод даҳасидаги қатлгоҳлар тарихини ўрганар эканман, кўнглимда бир орзу туғилган эди. Орзуки, қани энди, она Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон Элбек, Усмон Носир, Боту каби истиқлол шамчироғига парвона бўлганлар ибратини кўз-кўз қилувчи ёдгорлик яратилса-ю, ёш авлод қалбида адолат тантанасига ишонч, истиқлолга садоқат, ўтганлар руҳи покларига эҳтиром, она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топишига хизмат қилса, шиқаста диллар бир оз бўлсада, таскин-тасалли топса!

Ана шу орзуим минг чандон ушалди, ҳатто ўйлаганимдан зиёда бўлди, буни ўз кўзим билан кўриб турибман», деган эди адабиётшунос Собир Мирвалиев.

Қатағон қурбонларини ёд этганимизда, аввало, Юртбошимизнинг ўша тарихий қарори эсга тушаверади. 1999 йилнинг 12 майида қабул қилинган, Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги мазкур қарордан кўзда тутилган мақсад юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш эканлигини ва бу йўлда муҳим ишлар амалга оширилаётганини яхши биламиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бугун ўзига хос бир зиёратгоҳга айланиб улгурган, дея айта оламиз. Ватан ҳимоячилари куни арафасида дадам,онам байрам билан табриклашгани келишди. Уларни гўзал пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига олиб бордим. «Шаҳидлар хотираси» мажмуига олиб бор. Бир зиёрат қилайлик. Шу фараҳбахш кунлар умидида курашганлар, шаҳид бўлганлар руҳига дуо қилайлик», деди дадам. Буни қарангки, борганимизда ёдгорликка ёш келин-куёвлар гул қўйишаётган экан. Уларга ишора қилиб, «Мана шундай эзгу анъаналар шаклланса, ёш авлод бугунги кунниng, дориломон замоннинг қадрига етади. Сен ҳам бундайин зиёратгоҳларга фарзандларингни тез-тез олиб кел», деганча насиҳат қилдилар.

Ҳа, бугун эзгу анъана шаклланмоқда. Ҳатто курсантликка қабул қилинган ўғлонларимиз мазкур мажмуа ёнида Қасамёд қабул қилишмоқда. Ҳарбий билим юртларимиздан учирма бўлаётганларнинг битирув тантаналари бу муқаддас гўшада ўтмоқда. Жорий йилнинг июнида навбатдаги битирув маросими ҳам одатдагидек ушбу мажмуада ўтказилди.

– Биз офицерлик либосини кийган ўғлонлар учун «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида тантанамизнинг ўтказилиши улкан тарбиявий аҳамиятга эга. Бу юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида шаҳид кетган аждодларимиз хотираси биз истиқлол ҳимоячилари бўлган ҳарбийларнинг доимо ардоғида эканлигини, қолаверса, бундайин анъаналар шу дориломон кунлар йўлида шаҳид кетган аждодлар руҳи ҳурмати истиқлолни, юртни кўз қорачиғидек асрашимиз кераклигини эслатиб туради, – дейди лейтенант Санжар Нурмуҳаммедов.

Дарҳақиқат, қатағон қурбонларини ёд этиш билан тарихий адолатнинг яна бир саҳифасини тикладик. Бу билан ўлигимизни англаш, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, миллатимизнинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурурини тиклаш йўлида муҳим қадам қўйдик. Аслида қўлга киритган мустақиллигимизнинг моҳияти ҳам шунда.

Подполковник А. САФАРОВ.

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ!

(Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирнинг олий ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий қисмларда ўтказиш учун мўлжалланган намунавий сценарий режаси)

Тадбир ташкилотчилари аввало, байрамни кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказилишини назоратга олган ҳолда, залга кириш йўлакчаларининг тартибли жиҳозланганлиги, чақириқ ва шиорларнинг мавжудлиги, тадбир учун белгиланган залнинг озода ва тозалигига эътибор қаратишлари ҳамда уни байрамона безатилишига аҳамият бериб, кеча бошланишидан олдин, жумладан, қуйидагиларни тайёрлаб қўйишлари лозим:

– Мустақил Ўзбекистоннинг ўн саккиз йил ичида эришган ютуқларини акс эттирувчи расм-плакатлар, слайдлар, Ватанимизнинг 18 йил ичида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари тасвирга олинган фильмлар, мультимедиа, Ўзбекистон тарихи ҳамда кўҳна ва бугунги Тошкент шаҳри акс этган рангли альбомлар, шунингдек, китоб жавонига Президентимиз асарлари ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан нашр этилган китоблар ва плакатларни қўйиш;

– Ватанимиз рамзлари – байроқ ва гербнинг залда тўғри жойлаштирилганлигига эътибор қаратиш;

– "Шу азиз Ватан – барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир", "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!", "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" каби сўзлардан эпиграфлар келтирилиши;

– "Истиқлолим – буюк иқболим", "Мустақиллик абадий бўлсин!", "Адолат офтоби балқиган кун – бу", "Мустақиллик – буюк неъмат!", "Мустақиллик – энг улуғ, энг азиз байрам!", "Озодлик ва ҳурлик, эркинлик ва тенглик байрами муборак, азиз юртдошлар!", "Аждодлардан мерос Ватан – бу!", "Истиқлол – ўзликни англаш бахти", "Озод юртнинг обод пойтахти – Тошкент" ва бошқа шу каби Мустақиллик нафаси уфуриб турган шиорларнинг илинганлиги ёки паноларга ёзиб қўйилганлигини назоратга олиш мақсадга мувофиқдир.

Байрамга Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний", "Камолот" ЁИҲ, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон қаҳрамонлари, шоир-ёзувчилар, таниқли санъаткорлар ҳамда ОАВ ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат меҳмонлар таклиф этилиши мумкин.

Таклиф этилганлар белгиланган жойларига ўтиришгач, чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганлигидан дарак беради ва даврага бошловчилар чиқиб келади. Улар кўтаринки кайфият билан кечага ташриф буюрган иштирокчиларни мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами билан муборакбод этиб, ҳурлик ва озодликни тараннум этувчи шеърлардан парчалар келтирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Барча йиғилганлар тик турган ҳолда унга эҳтиром кўрсатадилар.

Шундан сўнг табрик учун сўз юқори қўмондонлик вакилига берилади.

Юқори қўмондонлик вакили минбарга чиқади ва барчани байрам билан табриклаб, мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Қуролли Кучларида амалга оширилган ислоҳотлар, уларнинг самараси ҳақида гапириб, жумладан, қуйидагиларга эътиборни қаратади:

– Мустақиллик даврида миллий армиямиз шаклланган ва армия сафлари миллий кадрлар билан тўлдирилгани, Қуролли Кучларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ошгани, халқимизнинг армияга бўлган муносабати ўзгаргани, эндиликда ҳарбийликка интилаётганлар салмоғи кундан-кунга ортиб, ҳарбий хизмат шон-шараф ишига айланиб бораётгани;

– Ўзбекистон ўз Конституциясига таянган ҳолда, мудофаа ҳуқуқини руёбга чиқариб келаётгани, бунда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни мудофаага қодир даражада сақлаш зарурати энг устувор вазифаларимиздан ҳисобланиши;

– Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилга қисқаргани, қўшинларнинг сифат таркиби яхшиланиб, тўлдирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, шартнома асосидаги хизматнинг тўла ўзини оқлаётгани, Ватан посбонларининг мардлиги, матонати ҳамда ҳарбийларимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги шижоати, улар кўрсатаётган қаҳрамонликлар, ҳарбий хизматчиларга яратилаётган кенг имкониятлар, шароитлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бошловчилар навбатни Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблига беради. (Бунда "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танлови ғолибларининг ёки ҳаваскорларнинг чиқишларини ташкил этиши мумкин.)

Шундан сўнг кечага ташриф буюрган меҳмонларга сўз берилади. Уларнинг маърузаларидан сўнг таниқли санъаткорларга, актёрларга, ҳарбийларимиз томонидан тайёрланган спорт ўйинларига навбат берилиши ва шу тариқа тадбир давом этиши мумкин.

Эслатма: Имкониятга қараб тадбирни давом эттириш ёки тугаллашни ташкилотчилар белгилайди.

Зални:

· "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир",

· "Ўзбекистон – муқаддас Ватан",

· "Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим",

· "Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик",

· "Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт – ҳар бир инсоннинг олий мақсади",

· "Элни Ватан манфаати бирлаштиради",

· "Бу азиз Ватан – барчамизники",

· "Мақсадимиз – Ватанимиз озод, юртимиз обод, келажагимиз фаровон бўлсин",

· "Фарзандларимиз бизлан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" каби даъватлардан;

· Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан,

· Бегона тупроқ – девона тупроқ,

· Булбул чаманни севар, одам – Ватанни,

· Ватани борнинг бахти бор, меҳнати борнинг тахти,

· Ватанинг тинч – сен тинч,

· Экин ерида кўкарар, эр йигит элида,

· Элга қўшилсанг, эр бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан каби мақоллардан фойдаланиш мумкин.

Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими.

«ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ!»

Конституциямизда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро миллатидан, динидан, тили, эътиқоди ҳамда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир. Аслида миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунда ўзаро ҳурмат, дўстлик туйғулари ҳам муқим бўлмоғи даркор. Ҳа, ўзбек халқи бағрикенг ва олижаноб халқ. Бошқа миллат вакилларига ҳурмат кўрсатиш, уларга ўз яқинидек муомалада бўлиш – бизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадрият саналади. Шу боисдан ҳам юртимизда миллатлараро тотувлик қарор топган. Зеро, Президентимиз эътироф этганидек, «Алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир».

Юртимизда миллатлар орасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида миллий-маданий марказларнинг фаолияти йўлга қўйилган. Доимий равишда ушбу марказлар билан ҳамкорликда бағрикенглик ва бирдамликни кенг тарғиб қилиш мақсадида турли кечалар, тадбирлар ўтказилиб келинади. Жумладан, Сергели туманидаги «Қипчоқ» маҳалласида бўлиб ўтган дўстлик фестивали ҳам фикримиз далилидир.

«Ўзбекистон – умумий уйимиз!» шиори остида ўтказилган ушбу тадбир Маънавият тарғибот маркази, Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Қипчоқ» маҳалла аҳолиси ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар, қўшиқчилик ва рақс санъатида элларни, миллатларни бирлаштирувчи буюк қудратнинг мужассам эканлиги, шу боисдан ҳам қўшиқ қайси тилда жаранглашидан қатъи назар ҳамманинг кўнглидан бирдай жой олишини, рақслар эса кўнгилларга олам-олам сурур бағишлашини алоҳида таъкидлаб, уларнинг фақат эзгулик учун хизмат қилишини айтиб ўтдилар.

Шундан сўнг рус, қозоқ, туркман, озарбойжон, татар, турк, корейс миллий маданият марказлари ҳамда туман маданият ва спорт ишлар бўлими ижодий жамоаларининг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи, дўстлик ва бағрикенгликни тарғиб этувчи ашула ва рақслари, шеър ва мусиқий композициялари йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳар бир миллатнинг ўз урф-одатларини, маданиятини ифодаловчи бу куй-қўшиқ ва рақслар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Ватан ҳаммамиз учун муқаддас масканки. Инсон туғилибдики, мана шу қутлуғ масканга ўзгача меҳр қўяди, дейди биз билан суҳбатда Республика маънавият тарғибот маркази Сергели туман бўлими раҳбари Баҳодир Хайтматов. – Ватан, деганда тасаввуримизда туғилиб ўсган юртимиз – муқаддас гўша гавдаланади. Шу сабабли ҳаммамиз ўз юртимизни севамиз, ардоқлаймиз, уни кўз қорачиғидек асрашга интиламиз. Бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистон! Бу заминда туғилган, камолга етган инсон борки, у қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар кўнглида шу диёрга бўлган муҳаббатни туяди. Бунга фестивалда ижро этилган қўшиқ ва рақслар ҳам мисол бўла олади. Чунки инсон учун киндик қони тўкилган тупроқ азиз ва мўътабарроқ. Инсонлар орасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити эса Ватан туйғусини янада мустаҳкамлайди. Туманимизда бўлиб ўтган мазкур тадбир ҳам турли миллат ва элатлар ўртасида бирдамликни мустаҳкамлаб, ана шу мақсад йўлида хизмат қилади.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

ТУРФА ОЛАМ

ЯПОНЦЫ ИЗОБРЕЛИ КУХОННЫХ РОБОТОВ

На выставке кухонной техники в Токио были продемонстрированы два робота-помощника. Один из них является механическим официантом и напоминает движущийся стол на двух колесах. А второй робот умеет печь блины. Стоимость каждого экземпляра кухонных помощников достигает 180 тысяч долларов, и в широкую продажу эти товары не поступят.

Как сообщает телеканал Russia.ru, данные машины были сконструированы для демонстрации успехов одной из киотских компаний, занимающейся робототехникой. По словам посетителей выставки, механический официант двигается плавно, не рассыпает пищу и не проливает напитки. А робот, выпекающий блины, пока не умеет самостоятельно замешивать тесто и пользуется уже готовой смесью. Однако разработчики обещают еще больше усовершенствовать свои творения.

Хотя кухонные роботы, стоимостью в 180 тысяч долларов, и не поступили в широкую продажу, производители уверены, что их продукция вскоре станет такой же неотъемлемой частью жизни обывателей, как легковые автомобили, сообщает BBC.

Как писали Дни.Ру, ранее инженеры уже сконструировали робота-сиделку для ухода за одинокими стариками. Изобретение китайских ученых представляет собой человекоподобную машину, ростом в 160 сантиметров. Механизм умеет подносить еду и лекарство, петь с хозяевами песни и играть в шахматы, а также предупреждать об оставленных открытыми кранах или включенных газовых печках.



ЖАҲЛ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАЙДИ

Американинг «GreenRoad Technologies» компанияси рулда ўтирган ҳайдовчининг жаҳл даражасини аниқлайдиган тизимни ишлаб чиқди. Тизим машинага таъсир қилаётган босим даражасини ўлчаб, «хавфсиз» лимитга қиёслаб кўради.

Тизимнинг дастурий таъминоти ҳайдовчининг 120 тагача ҳаракатини таҳлил қилиб, ҳайдовчининг жаҳли чиқаётган ёки чиқмаётганлигини аниқлаши мумкин. Ҳаракатлар тажовузкорона деб топилса, қизил чироқ бу ҳақда ҳайдовчини огоҳ қилади.

Босимларни ўлчовчи тизим ҳайдовчининг машинани кескин тўхтатиш, бурилиш ёки тезликни ошириш каби ҳаракатларини аниқлай олади.

«GreenRoad Technologies» компанияси фарзандларининг машина бошқаришини назорат қилиш истагида бўлган ота-оналарга шу тизимни тавсия қиляпти. Бу тизим автомобиль ишлаб чиқарувчиларга ҳайдовчилар қайси моделларни эҳтиёткорлик билан, қайсиларини тажовузкорлик билан ҳайдашини ҳам айтиб бериши мумкин.

ҒАРОЙИБ КУЧУКЧА

Бундан бир неча ой муқаддам АҚШда беш оёқли кучукча дунёга келди. Устига-устак, чихуахуа наслига мансуб бу ҳайвоннинг ҳар бир оёғида олтитадан бармоғи бор. Итнинг эгаси Келвин Оунсби ғайриоддий итни уч минг долларга сотиб юбориш ҳаракатида. Бу нархни унга Америкадаги ташқи кўринишида кўзга ташланадиган камчиликлари бор ҳайвон ва жониворлар билан томоша ўтказувчи Кони-айленд цирки таклиф қилган. Лекин кучукча учун тўрт минг доллар беришга тайёр харидор ҳам топилди. Сотиб олмоқчи бўлган аёл кучукчанинг бешинчи оёғини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашни таклиф этяпти. Ҳақиқатан кучукчанинг бешинчи оёғи унинг ҳаракатланишига халақит беради. Ветеринарларнинг фикрича, ҳозирча у заиф аҳволда. Яна 12 ҳафталардан сўнг бу муолажани амалга оширишнинг имкони бўлади. Кучукчанинг янги эгаси унга Синко деб лақаб қўйди. Синко дегани испан тилида «беш» маъносини билдиради.

ЭКРАНЛИ КИЙИМЛАР

Францияда кийимларнинг бутунлай янги намунасини ишлаб чиқаришга уринишяпти. Бу кийимларда жонли графикани кўрсатадиган рангли видеоэкран бўлади. Видеоэкран телеалоқа вазифасини ҳам ўтайди.

Кийимга бирлаштирилган рангли экранлар эгасига ҳар қандай ахборотни кўриш имкониятини яратади. Экран инсоннинг ички ҳолатини ҳам намоён қилади. Бу ички олам, қизиқиш ва кайфиятни билиб олишга имкон беради. Визуал жонли графика намойишида инсоннинг шахсий алоқа имкониятлари кенгаяди. Бу ҳиссиёт ва истакларни узатишнинг янги услубидир.

Кийим эгаси ўзида кўрсатмоқчи бўлган ахборот шаклини (расм, эмблема, мультипликация) танлайди. У худди шундай технологияли кийим кийган бошқа одамга мустақил равишда қисқа хабар жўнатиши ҳам мумкин.

«Бу ҳиссиётлар ёки кайфият рамзи, – дейди лойиҳа менежери Емерик Моурот. – У орқали сиз жозибали графикани ёки қисқа матнни оммавий равишда кўрсатишингиз мумкин».

Бундан ташқари, бундай кийимларда тасвир ёки матнни ёрқинлаштириш, мати териш, Интернет орқали ҳаракатли мультипликацияни кўрсатиш каби имкониятлар мавжуд. Экранга бириктирилган қурилмалар илгари хотирага сақлаб қўйилган графика ва товушларни ҳам кўрсатиш имконини беради.

Захира экрани кийимдаги махсус чўнтакда бўлади, бу эса қулайлик яратади. Қурилма зарядланадиган батарейкадан қувват олади. Батарейканинг заряди тинимсиз фойдаланганда тўрт соатга етади.

Янги лойиҳадан фойдаланиш яқин келажакда бошланади, деб ваъда беришяпти кашфиётчилар. Улар бу кашфиёт реклама бизнесида ўз ўрнини топишига умид қилишмоқда.

СКРОМНЫЙ РЕКОРДСМЕН

54-летний американец Ашрита Фурман, скромный управляющий магазина полезных продуктов питания в Квинсе, за последние три десятилетия установил свыше 200 рекордов.

Его первое достижение датируется 1979 годом, когда он совершил 27 тысяч прыжков за пять часов. Один из последних рекордов Фурман установил в декабре прошлого года, разорвав 14 рубах за одну минуту.

Знатокам новый почетный рекордсмен также известен как человек, который крутил самый большой обруч, дальше всех пронес бутылку молока на голове и совершил больше всех прыжков на тренажере «ПОГО».

По словам Ашриты, останавливаться на достигнутом он не собирается и в ближайшее время планирует установить новые рекорды, на этот раз под водой.

ЯНГИ РЕКОРД ЎРНАТДИ

Америкалик Жои Чеснат кетма-кет учинчи бор хот-дог ейиш бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Бу сафар ғолиб 68 та булочка ва сосискани паққос тушириб, янги рекорд ўрнатган. Шунингдек, ғолибнинг энг жиддий рақиби – олти карра чемпион, япониялик Такеру Кобаяси ҳам ўз шахсий рекордини янгилади. У белгиланган 10 дақиқа ичида 64 та хот-дог ейишга муваффақ бўлган. Мусобақанинг 9 дақиқасида Чеснат, Кобаяси ва қолган 17 нафар иштирокчи деярли бир хил натижа кўрсатишаётганди. Аммо сўнгги дақиқада Чеснат олдинга чиқиб олди. «Мен чемпионатга пухта тайёргарлик кўриб, кўп машқ қилдим», – дейди ғолиб. Ушбу мусобақада ғалаба қозониш учун Чеснат хот-дог ейишнинг қулай услубини ишлаб чиқишига тўғри келди. Эслатиб ўтамиз, ушбу беллашув ҳар йили 4 июль – АҚШнинг мустақилликни қўлга киритган кунида бўлиб ўтади. Илк чемпионат 1916 йили бўлиб ўтган. Мусобақа низомига кўра ғолиб 10 минг доллар билан тақдирланади.

Ф. АЛИЕВА тайёрлаган.

СПОРТ

Ёзги олимпиада

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИДА

Бўлғуси офицер ва сержант кадрларнинг профессионал маҳоратларини шакллантириш, жумладан уларнинг жисмоний, ахлоқий-руҳий сифатларига сайқал бериш, олий ҳарбий ўқув муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари ўртасида ўзаро мусобақадошлик, соғлом рақобат муҳитини яратиш ва умуман интеллектуал салоҳияти юксак кадрларни тайёрлаш мақсадида ўтказилаётган ёзги олимпиаданинг биринчи даври, яъни курсантлар ўртасидаги мусобақалар кеча ўз ниҳоясига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, олий ҳарбий ўқув муассасалари жамоалари ўртасида Марказий ҳарбий округда ўтказилган ёзги олимпиада баҳслари қизғин ва шиддатли беллашувларга бой бўлди ва у курсантларнинг ҳамда улар учун мухлислик қилаётганларнинг ҳақиқий спорт байрамига айланди. Майдонда қайсидир бир жамоа эмас, балки эпчиллик, чаққонлик, мерганлик, зукколик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирлик ғалаба қозонди, бошқача айтганда соғлом рақобат – спорт тантана қилди. Ёзги олимпиада бизга, аввало, ана шу жиҳатлари билан қадрлидир. Албатта, спорт мусобақалари эришилган натижалар, жамғарилган очколар, эгалланган ўринлар, қайд этилган рекордлари билан қизиқарли. Спорт бу тамойилларсиз кенг оммани бирдай ўзига жалб этолмайди. Келинг, яхшиси, ҳаммасини бир бошидан бошлаймиз.

ЭСТАФЕТА

Ёзги олимпиаданинг тантанали очилиш маросимидан сўнг мусобақа қатнашчилари-ю уларнинг мухлислари, яъни курсантларнинг спорт байрамига таклиф этилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда олий ва ўрта таълим муассасалари ёшлари эстафета йўлакчалари майдонида ҳозир бўлишди. Мусобақанинг очилиш маросимидаги байрам шукуҳи спорт баҳслари майдонига кўчиб ўтди. Ҳайқириқлар, чорловлар, олқишлар эстафета баҳсларига ўзига хос жозиба бахш этди. Табиий, олқишларнинг кўпи майдон эгаларига нисбатан қаратилди. Бу «футболда мухлислар 12-ўйинчи» деганидек бесамар кетмади ёки «ўз уйингда деворлар ҳам суяйди» деган нақл яна бир бор тантана қилди – ёзги олимпиада баҳслари дастуридан ўрин олган мусобақаларнинг биринчи тури, яъни ҳарбий амалий машқлар уйғунлаштирилган эстафета бўйича баҳсларда мезбонлар ғолиб чиқди. Одатда олий ҳарбий билим юртлари ўртасидаги аксарият спорт мусобақаларида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ёки Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти спортчилари пешқадамлик қиларди. Курсантлар – Д. Остонов, Ў. Мустафоев, У. Шодмонов, Ш. Холматов ва Ф. Солиевдан иборат Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти жамоаси комбинациялаштирилган эстафета мусобақасида мухлислари ишончини оқлаб, эпчиллик ва чаққонликларини намойиш этиши кўпчилик спорт мутахассислари учун кутилмаган ҳол бўлди. Боз устига фаворитларни ортда қолдирган ҳолда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси иккинчи, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети жамоаси учинчи бўлиб маррани кесиб ўтди. Бу ёзги олимпиадага барча жамоаларнинг пухта ҳозирлик кўрганидан, майдонда аввалдан башорат қилинадиган кучли ёки кучсизларнинг йўқлигидан, келгуси баҳслар янада шиддатли кечишидан далолат берарди.

БИАТЛОН

Ёзги олимпиаданинг иккинчи куни биатлон мусобақаси билан бошланди. Унда ҳар бир жамоанинг 4 нафардан вакили қатнашди. Мусобақа шартига кўра ҳар бир қатнашчи икки босқичдан иборат 4,5 километрлик (биринчи босқичда 1,5 км., иккинчи босқичда 3 км.) масофага югуриши ва эстафетани жамдодошига топшириши керак. Спортчи югуришнинг биринчи босқичидан сўнг кичик калибрли винтовкада ётган ҳолда бешта, иккинчи босқичдан сўнг турган ҳолда бешта, жами 10 та нишонни аниқ мўлжалга олиши керак. Агар қатнашчи отиш учун берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб нишонларни аниқ мўлжалга ололмаса, у ҳакамлар томонидан жаримага тортилади, яъни унинг югуришига ҳар бир ноаниқлик учун 150 метрлик масофа қўшилади. Ана шундай мураккаб спорт мусобақасида спортчидан тез югуриш ва мерганлик талаб этилади.

Ёзги биатлон бўйича Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси мусобақа бошиданоқ пешқадамликни ўз қўлига олди. Айниқса, биринчи бўлиб старт маррасига чиққан курсант Ж. Қурбонов ва тўртинчи бўлиб жамоадошидан эстафетани қабул қилган курсант В. Хўжамов нишонларни бехато мўлжалга олиб ҳам ўз кучини тежашди, ҳам вақтдан ютиб, билим юрти жамоасининг ёзги биатлон бўйича мусобақада маррани биринчи бўлиб кесиб ўтишини ва ғолиб чиқишини таъминлашди. Маррага иккинчи бўлиб етиб келган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти биатлончилари улардан анча, яъни 2 дақиқа 48 сония ортда қолишди. Эстафетани тўртинчи бўлиб қабул қилиб, иккинчи босқичда мерганлигини намойиш қилган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти А. Тўраев жамоасини учинчи ўринга олиб чиқиши ҳам мумкин эди. Бунинг учун унга бор-йўғи 0,2 сония камлик қилди, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Р. Юнусов маррага ундан атиги икки қадам олдин етиб келди. Ҳа, шунақаси ҳам бўлади, спорт шуниси билан қизиқ, жозибали ва мафтункор.

БОКС

Ёзги олимпиаданинг бокс бўйича ринг жанглари Халқаро ҳаваскор бокс ассоциациясининг (ІВА) 2009 йилда қабул қилган янги тамойиллари, олимпия тизими бўйича ташкил этилди. Қатнашчилар олти вазн тоифасида ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Мусобақаларга таниқли боксчимиз капитан Фарҳод Бакиров бош ҳакамлик қилди.

Бокс мусобақаларида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ва Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети жамоаларидан бири ғолиб чиқиши олдиндан башорат қилинди. Чунки бу жамоалар сафида бокс бўйича спорт устаси мақомига эга курсантлар ҳам бор эди. Ёзги олимпиада шахсий эмас, балки жамоавий баҳслар тамойилига асосланганлиги учун олдиндан қилинган башорат қайсидир маънода ўзини оқлади, бошқа томондан эса…

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсанти, бокс бўйича спорт устаси Акром Абдувалиев 60 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этди. Лекин бу ғалаба жамоасининг ёзги олимпиадада совриндор бўлиши учун камлик қилди. Чунки унинг бошқа беш нафар жамоадоши саралаш босқичларидаёқ мағлубиятга учрашди ва бу ҳол умумжамоавий балларга таъсир қилди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти боксчилари эса ишончни оқлашди ва ёзги олимпиаданинг бу тури бўйича ғолиб бўлишди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти жамоаси иккинчи, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

ОТИШ

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича мусобақалар икки йўналишда – автоматдан (АК-1 машқини бажариш) ва пистолетдан отиш (ПМ-1 машқини бажариш), яъни мерганлик бўйича олиб борилди. Ҳар бир йўналиш бўйича баҳсларда жамоанинг беш нафардан вакили иштирок этди. Шу ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича баҳсларга офицерлар – Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов, Мақсуд Ботиров, Абдуғани Букабаев, Одил Бердиев, Баҳодир Қулбоев, Шерали Халиловдан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳакамлик қилди.

ПМ-1 машқини бажариш баҳсларида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари – В. Хўжамов, Д. Мукаррамов, Ж. Қурбонов, Б. Норматов ва Ш. Асқаров яхши натижаларни кўрсатиб, ёзги олимпиаданинг ушбу турида жамоасининг ғолиб бўлишини таъминлашди. Отиш бўйича ҳарбийлар ўртасидаги бошқа спорт мусобақаларида доим етакчилик қилиб келадиган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти мерганлари бу сафар асосий рақобатчилари – Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасини ҳам олдинга ўтказиб юбориб, учинчи ўрин билан кифояланишди. Ахир бу спорт, ҳар доим ҳам омад кулиб боқавермайди.

Самарқандликлар АК-1 машқини бажариш борасида ҳам учинчи ўринни қўлга киритишди. Улар бу борада яқинда бўлиб ўтган Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчилари ўртасидаги отиш мусобақасида яхши натижаларни кўрсатган кичик сержантлар – Йўлдош Ҳайитов, Дониёр Жумановнинг маҳоратларига умид қилишган эди. Лекин улар ёзги олимпиадада ишончни тўлиқ оқлашмади. Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчилари ўртасидаги отиш мусобақасида умумжамоа ҳисобида ғолиб чиққан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси ёзги олимпиаданинг АК-1 машқини бажариш тури бўйича баҳсларида ҳам зафар қозонди. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси эса иккинчи ўринни эгаллади.

ТУРНИКДА ТОРТИЛИШ

Бу спорт тури бўйича мусобақаларда жамоаларнинг барча аъзолари – 16 нафардан вакили иштирок этди. Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсанти Муҳаммад Тўхтасинов ёзги олимпиадада энг юқори натижа кўрсатди – у турникда 32 марта тортилди. Сафдошлари Р. Ризаев, Ж. Ҳошимов ва Д. Сатторов ҳам яхши натижалар (28-29 мартадан) кўрсатишди. Лекин умумжамоа ҳисобида улар самарқандликлардан ортда қолишди, атиги 2 очко уларни ғолибликдан маҳрум қилди. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси эса ёзги олимпиададаги иккинчи ғалабасини нишонлади. Учинчи ўринга Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси кўтарилди.

СУЗИШ

Ёзги олимпиада дастуридан ўрин олган сузиш мусобақалари 100 метрга эркин сузиш бўйича ўтказилди ва ҳар бир жамоадан тўрттадан вакил қатнашди. Гарчи бир вакили – курсант Рустам Аҳмедов ўз босқичида ғолиб чиққан бўлса-да, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетига яна жамоавий бирлик панд берди – алоқачилар умумжамоа ҳисобида учинчи ўрин билан кифояланишди. Бу борада Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасига омад кулиб боқди – улар сузиш баҳсларининг ғолиби бўлишди. Самарқандликлар спортнинг бу тури бўйича иккинчи ўринни эгаллашди.

СТОЛ ТЕННИСИ

Мусобақада жамоаларнинг уч нафардан вакили иштирок этди. Ҳар бир ўйин 11 очкогача бўлган уч партиядан ёки иккинчи ғалабагача олиб борилди. Умумий кўрсаткичлар бўйича Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, ёзги олимпиададаги ўзларининг учинчи ютуғини нишонлашди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси стол тенниси бўйича баҳсларда иккинчи, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ёзги олимпиада дастуридан ўрин олган бошқа мусобақалар, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ҳақида газетанинг келгуси сонида ҳикоя қиламиз.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



СПОРТ

I Осиё ўйинлари

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида шарқ яккакурашларининг тўққиз тури бўйича ўтказилган I Осиё ўйинларида 43 нафар спортчимиз қатнашди ва уларнинг ҳар иккисидан бири совриндор бўлиб қайтди. Ўзбекистонликлар ҳисобидаги 21 та медалнинг 8 тасини Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари қўлга киритишди.

Жанговар спорт турлари бўйича биринчи марта ўтказилган Осиё ўйинларида қитъамизнинг 2500 нафардан ортиқ спортчилари қатнашди. Вакилларимиз мазкур нуфузли мусобақанинг 4 та олтин, 5 та кумуш ва 12 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ўзбекистон қўлга киритилган медаллар умумий сони бўйича I Осиё ўйинларида қатнашган 45 мамлакат орасида Таиланд (54 та медални қўлга киритди), Вьетнам (39 та), Қозоғистон (34 та) ва Ҳиндистондан (33 та) сўнг бешинчи бўлди, умумжамоа ҳисобида эса кучли саккизликдан ўрин эгаллади. Чунки Жанубий Корея (19 та), Хитой (19 та) ва Япония (14 та) спортчилари кам медалларни қўлга киритган бўлса-да, олтин медалларининг кўплигига кўра умумжамоа ҳисобида I Осиё ўйинлари таснифида биздан юқори поғонага кўтарилди.

Юртимиз спортчиларининг муваффақиятига Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам салмоқли улуш қўшишди. Улар I Осиё ўйинларининг биттадан олтин ҳамда кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишди. Хусусан, халқаро тоифадаги спорт устаси Муқаддас Кубиева ўзбек миллий кураши бўйича 48 кг.гача вазн тоифасидаги беллашувларда барча рақибларининг елкасини ерга теккизиб, Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритган бўлса, шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Ирода Абдураҳмонова дзюдо баҳсларида кумуш медаллик бўлди. Бангкокда 63 кг.гача вазн тоифасидаги беллашувларда гиламга чиққан спорт устаси И. Абдураҳмоновага фақат финал баҳсида озгина омад етишмади.

– Мен биринчи Осиё ўйинларида ўзбек миллий кураши бўйича беллашувларининг биринчи олтин медалини қўлга киритганимдан фахрланаман, – дейди МҲСК спортчиси Муқаддас Кубиева. – Чунки бу ютуқ нафақат менинг, балки миллий курашимиз муваффақиятининг рамзий ифодаси бўлди. Бангкокда менга олтин медаль топширилиш олдидан Ватанимиз номи ва шу юрт спорти номи жаранглаганда кўнглимдан ана шундай туйғулар кечди. Биз спортчиларнинг халқаро майдондаги муваффақиятлари, сўзсиз, мамлакатимиз мустақиллигининг ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборнинг самарасидир. Мустақиллик биз спортчиларга Ватан билан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини ҳадя этди, унинг шаъни ва шарафини Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида астойдил ҳимоя қилиш имконини берди.

Ҳа, Муқаддаснинг гапига тўлиқ қўшиламиз. Агар газетамизни мунтазам кузатиб бораётган бўлсангиз «спорт» саҳифасида спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда мунтазам совриндор бўлиб келаётганлигидан хабардор бўласиз. Бу, аввало, юртимизда спортни янада ривожлантириш учун қаратилаётган улкан эътибор, яратилаётган кенг кўламли шарт-шароитлар маҳсулидир. Айниқса, дзюдочиларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар салмоғи катта бўлаётганига ҳам эътибор бергандирсиз? Шарқ яккакурашлари бўйича ўтказилган I Осиё ўйинларида МҲСК спортчилари қўлга киритган 8 та медалнинг 4 таси айнан дзюдочиларимизга тегишлидир. Кумуш медаль билан тақдирланган Ирода Абдураҳмоновадан ташқари яна уч нафар дзюдочимиз – халқаро тоифадаги спорт устаси Мария Шекерова (78 кг.дан юқори вазн тоифасида) аёллар ўртасидаги беллашувларда, халқаро тоифадаги спорт усталари Хуршид Набиев (90 кг.гача) ҳамда шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Ўткир Саломов (100 кг.дан ортиқ вазн тоифасида) Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлишди.

Юртимизда кўпчилик ва ҳатто аксарият спорт мухлислари ҳам «пенчак силат» деган спорт тури мавжудлигидан хабардор эмас. Энди улар шарқ яккакурашининг бу янги тури ҳақида сўз кетганда, МҲСК вакили майор Бахтиёр Норовни тилга олиши табиий. Чунки у «Бангкок – 2009» ўйинларида бронза медални қўлга киритиш билан бирга ҳамюртларимизни бу янги спорт туридан ҳам воқиф этди.

МҲСК ҳисобидаги I Осиё ўйинларининг қолган икки бронза медаллари муайтайчиларга тегишли бўлди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Шерзод Шарипов 57 кг. вазн тоифасида, спорт устаси Фирдавсий Холмуродов 60 кг. вазн тоифасида «Бангкок – 2009»дан совриндор бўлиб қайтди.

Шарқ яккакурашлари бўйича ўтказилган I Осиё ўйинларида, шунингдек, юртимиз спортчиларидан Олим Равшанов (кураш, 66 кг.гача вазн тоифасида), Шерали Жўраев (кураш, 90 кг.гача) ва Мавлонбек Қаҳҳоров (муайтай, 63,5-67 кг.) олтин, Икром Нуруллаев (кураш, 100 кг.дан юқори вазн тоифасида), Евгения Каримова (таэквондо, 72 кг.дан юқори), Элёрбек Акбаров (жиу-житсу, 85 кг.гача) ва Алишер Абдуллаев (кикбоксинг, фул контакт, 75 кг.гача) кумуш, София Каспулатова (карате-до, 61 кг.дан юқори вазн тоифасида кумите тури бўйича), Рустам Ашуров (карате-до, 84 кг.дан юқори вазн тоифасида кумите тури бўйича), Гулмира Исматова (кураш, 70 кг.гача), Ўктам Эргашев (кураш, 60 кг.гача), Рустамжон Пўлатов (таэквондо, 54-58 кг.), Жамолиддин Салимжонов (пенчак силат) бронза медалга сазовор бўлишди.

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида қитъанинг нуфузли мусобақасидан юртимиз спортчиларининг медаллар шодаси билан қайтиши, албатта, барчамизни тўлқинлантиради. Уларни бу муваффақият билан табриклаган ҳолда, келгусида халқаро ва нуфузли мусобақаларда янада катта ютуқларни қўлга киритишларини тилаймиз.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Юнон-рум кураши

АРМИЯЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари Ҳиндистон ва Филиппинда ўтказилган юнон-рум кураши бўйича қитъа биринчиликларида муваффақиятли қатнашди.

Ҳиндистоннинг Пун шаҳрида юнон-рум кураши бўйича кадетлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда қатнашган Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари биринчиликнинг иккита совринини қўлга киритишди. Хусусан, Феруз Тўхтаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди ва Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди. Муҳриддин Собиров эса қитъа чемпионатининг ярим финалига қадар муваффақиятли бел олишди. Финалга чиқиш учун кечган беллашувда ҳамюртимиз мезбонлар вакилига имконятни бой бериб қўйди. Натижада вакилимиз Осиё чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Филиппин пойтахти Манила шаҳрида эса эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Юнон-рум кураши бўйича беллашувларда қатнашган Марказий ҳарбий спорт клубининг икки нафар спортчиси совриндор бўлди. Қуролли Кучлар хизматчиси Ермахоқ Мамбетов ва МҲСК вакили Абдурашид Бердалиев қитъа биринчилигининг ярим финалига қадар муваффақиятли беллашиб, рақибларидан устун келишди. Ярим финалда эса ёш спортчиларимиздан омад юз ўгирди ва улар ўз вазн тоифаси бўйича Осиё чемпионатининг бронза медали билан кифояланишга мажбур бўлишди. Бу 19 ёшга тўлмаган полвонларимиз учун албатта ажойиб муваффақият, зеро уларнинг келажаги ҳали олдинда.

Яна бир ёш спортчимиз – шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Санжарбек Жуманиев Украинанинг Мариуполь шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда 55 кг. вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида қатнашиб, фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Ж. РАСУЛОВ.

ҚАЙДНОМА

ҚЎЛ ЖАНГГИ. Марказий ҳарбий спорт клубининг уч нафар вакили пойтахтимизда ўтказилган халқаро турнирнинг совриндори бўлишди. Шавкат Мунавваров ва Жаҳонгир Мансуров олтин, Владимир Биков эса халқаро турнирнинг кумуш медалини қўлга киритди.

ДЗЮДО. Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида спортчимиз Гулноза Матниёзова муваффақиятли қатнашди. 63 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан вакиламиз финалга қадар барча рақибаларини енгиб, ҳал қилувчи беллашувда япониялик Мика Тасирога имкониятни бой бериб қўйди ва жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди. Ушбу муваффақият ёш спортчимизга ўсмирлар ўртасидаги Сингапур – 2010 Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берди. Шунингдек 55 кг. вазнли спортчимиз Мансур Мамажонов ҳам Венгрияда кучли бешликдан ўрин эгаллаб, Сингапурга бериладиган йўлланмани нақд қилиб қўйди.

ШАХМАТ. Арманистоннинг Жермук шаҳрида жаҳон чемпионлиги учун номзодлар турнирида иштирок этиш балларини йиғиш имконини берувчи навбатдаги босқич баҳслари бўлиб ўтмоқда. Халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов бешинчи турда турнир пешқадами бўлиб турган Левон Аронянни (Арманистон), олтинчи турда Эрнесто Инаркиевни (Россия) мағлубиятга учратди. Еттинчи турда Василий Иванчук (Украина) билан дуранг ўйнаган ҳамюртимиз тўплаган очколарини 4,5 тага етказган ҳолда иккинчи поғонани эгаллаб турибди.

ВЕЛОСПОРТ. Индонезиянинг Калимантан оролида ўтказилган қитъа чемпионатида велоспортчимиз Владимир Тўйчиев муваффақиятли қатнашди. У барча рақибларини ортда қолдириб, Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

ТЕННИС. Ҳамюртимиз Александра Колесниченко Буюк Британия теннисчиси Эмили Веблей-Смит билан бирга Деҳлида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимидаги халқаро турнирнинг жуфтлик баҳслари ғолибаси бўлди. Улар финалда Ашмитха Исварамурти (Ҳиндистон) ва Далила Якупович (Словакия) жуфтлигидан 6:2, 6:4 ҳисобида устун келиб, бош совринни қўлга киритишди.

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ. Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Спортчиларимиздан Фарҳод Рустамов, Сардор Содиқов, Ҳусан Исмоилов, якка тартибда туркум машқларни бажариш бўйича Лаура Кушембетова, Наргиза Бекназарова, спарринг баҳсларида Усмон Ҳасанов ва Ғулом Отамуродов халқаро мусобақа ғолиблари бўлишди.

ФУТБОЛ. Кузда Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмига ҳозирлик кўраётган Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги ёшлар (U-20) терма жамоамиз навбатдаги йиғинини 7-18 август кунлари Англияда ўтказди. Йиғин давомидаги ўртоқлик учрашувларининг дастлабкиси «Фулхем» ёшлар жамоасига қарши кечди. Ҳужумчимиз Даврон Мирзаев 35-дақиқада ҳисобни тенглаштиргандан сўнг ўйин вакилларимиз устунлиги остида кечишига қарамай 83-дақиқада яна тўп киритишга муваффақ бўлган «Фулхем» ёшлари ғалабани илиб кетишди. «Челси» ёшлар жамоасига қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувида эса вакилларимиз 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ҳужумчимиз Санъат Шиховнинг 47-дақиқадаги аниқ зарбаси дарвоза бурчагидан жой олди.

* * *

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси сафига яна бир бразилиялик футболчи – Франциско Родригес Леомар келиб қўшилди. У 23 ёшда, ҳимояда ўйнайди. Леомар 2009 йилги мавсум ниҳоясига қадар «Бунёдкор» жамоаси шарафини ҳимоя қилади.

МИНИ-ФУТБОЛ. Қарши шаҳрида ўтказилган мини-футбол бўйича хотин-қизлар ўртасидаги «Qarshi Cup» халқаро турнири «Севинч» (Қарши) жамоасининг ютуғи билан якунланди. Майдон эгалари финалда Россиянинг «Искра» клубини 2:1 ҳисобида мағлуб этишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Шу кунларда Германияда енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда терма жамоамизнинг олти нафар спортчиси иштирок этаяпти. Улар орасида МҲСК вакиллари кичик сержант Леонид Андреев (лангар чўпда сакраш бўйича) ва кичик сержант Надежда Дўсанова (баландликка сакраш бўйича) ҳам бор.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ТУНГИ БОҒ СЕҲРИ

(Воқеий ҳикоя)

Акмалнинг хизмат жойи уйидан анча олис. Йигит дам олиш кунлари оиласи бағрига шошилади. Уйланганига ҳам ярим йилдан ошиб қолди. Отаси унга эскироқ бўлса ҳам ўз машинасини бериб қўйган. Олис йўлда ҳали бирор марта панд бермасдан юриб турибди. Бугун дам олиш куни. У барвақт туриб йўлга отланди.

Бу йўллардан қатнаётганига ҳам кўп йиллар бўлиб қолгандир. Йўлдаги ҳар бир дарахт ёдида қолгандек. Аслида ҳам шундай. Унга кўпроқ қум барханлари орасидан тўсатдан чиқиб қолгандек туюладиган яшил воҳа ёқади. Бу мўъжизанинг худди ўзи. Чексиз-чегарасиз ястаниб ётадиган қумликлар яшил воҳа қаршисида ожиз қолгандек таассурот қолдиради. Қисқаси, бу йўл йигитни ҳеч қачон зериктирмаган. Айниқса, катта йўл ёқасидаги Тоҳир ва Зуҳра деб аталадиган боғдан ҳаяжонсиз ўтган эмас. Халқ орасида бу боғ ҳақида турли афсоналар оғиздан-оғизга ўтиб юради. Айтишларича, баъзан боғ тунда ҳам кундуздек ёришиб, у икки севишган қалб, яъни Тоҳир ва Зуҳранинг қувноқ кулгусига тўлиб кетар экан. Ана шундай сеҳрли лаҳзаларни кўриш пок ниятли инсонларгагина насиб этар экан...

Акмал йўл-йўлакай шуларни хаёлидан ўтказар экан, кўпдан хотинига бериб қўйган ваъдаси ёдига тушди. Ҳар гал Шаҳлога шу боғ ҳақида гапирганида у орзумандлик билан «мен ҳам шу боғни бир кўрсам эди», деб қўйишини эслади. «Бу гал албатта, уни ўзим билан олиб келаман, боғни ҳам биргаликда томоша қиламиз. Эҳтимол, қувлашмачоқ ўйнаётган Тоҳир билан Зуҳрани кўриш бизга ҳам насиб этар?!» Шуларни кўнглидан ўтказган йигит машинаси билан шитоб-ла яна олға интилди.

Йигитни уйда ота-онаси, ука-сингиллар, келинчак хуррамлик билан қаршиладилар. Бирпасда каттагина ҳовли яқинлари билан гавжумлашди. Акмалнинг қўшнисига келин бўлиб тушган Мастура исмли синфдоши ҳам кичкинтойини кўтариб уларникига чиқди. Улар болаликдан бир-бирлари билан аҳил эдилар. Гаплари ҳеч тугамас, улар бор жойда ҳазил-ҳузуллар ҳам авжида бўларди. Ҳозир ҳам барча икковларининг оғзига қараб туришар, ора-чорада янграган кулгулар ҳовлини тутиб кетмоқда эди. Ана шундай бир пайтда Акмалнинг нигоҳи Шаҳлога тушиб қолди. Келинчак хиёл чимирилган кўйи райҳонлар учини чилпиб турарди. Нимадандир норизога ўхшайди. Меҳмонларни кузатгач нима гаплигини билиб оламан, деб кўнглидан ўтказди йигит. Ниҳоят, катта ҳовлига жимлик чўкди.

– Кимдир хафа қилдими, – меҳрибонлик билан сўради Акмал.

Шаҳло узун-узун киприкларини ерга қадаганича «йўғ-эй» деб турди-ю бирдан «ёрилди»:

– Сиз ҳар доим Мастура опа билан шунақа кулишасизлар... Мен бир чеккада қоли-иб кетавераман.

Акмал келинчакнинг бу даъвосидан яйраб кулди ва изоҳ берган бўлди:

– Мастурани билмайсан-да, у фожиалардан ҳам кулги ясайди. Биз болаликдан бирга катта бўлган ўртоқларимиз. Рашк қилаётган бўлсанг, бу жуда ўринсиз. Чунки бу ҳовлига у эмас, сен бекалик қиляпсан.

Бу сўзлардан Шаҳлонинг кайфияти кўтарилиб кетди. Дарҳол боғнинг энг сархил меваларидан териб ювиб келди. Аммо бу ҳолат кўпга бормади. Кечқурун Акмални отаси билан Мастураларникига меҳмонга айтиб кетишди. Шаҳло ийманибгина қайнонасидан сўради:

– Сиз ҳам чиқасизми?

Аслида бу саволи билан «биз ҳам чиқамизми?» демоқчи эди. Қайнонаси бепарвогина меҳмонга фақат эркаклар чақирилганини айтгач унинг кайфияти батамом тушиб кетди. Бу ҳолатини қайнонасига сездирмаслик учун секингина ўз ишларига андармон бўла бошлади. Назарида Акмал акаси Мастураларникига чиқиш учун ўзига обдон қараётгандек туюлди. У эса бор-йўғи кийимларини бошқасига алмаштирганди, холос. Келинчак эрини очиқ чеҳра билан кузатмоқчи эди-ю, рашк олови бунга йўл бермади ва Акмал ундаги ўзгаришни дарҳол сезди, бироз ғаши келди. Меҳмондорчилик ҳам унчалик татимади. Уйга қайтганида Шаҳлонинг хомушгина ҳолатига қараб унга раҳми келди. Келинчакнинг кўнглини олгиси келди. Аксига олиб, унинг арази ҳам тарқай қолмади. Йигитнинг яна бирозгина илтифот кўрсатишга тоқати етмади:

– Сенга аслида пашшадан фил ясаб ўтириш кўпроқ ёқади, – деди зардали оҳангда.

– Сизга эса Мастура опа билан кулишиш ёқади, бошқаларникига чақиришса хизматдан чарчаб келганингизни баҳона қилардингиз, уларникига чопқиллаб чиқа қолдингиз, – шу гапларни айтаётиб Шаҳлонинг кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди.

Акмал ўзини оқлашни ҳам, келинчакни юпатишни ҳам билмай саросимада қолди. Ўзини оқлай деса бунисн ўринсиз, рафиқасини юпатай деса хафа бўлишга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Боши қотиб қолди. Кўнгилхиралик билан дам олиш кунлари ҳам ўтди. Кечга томон яна хизматга отланди. Яна барчалари уни хуш-хандон олис йўлга кузата бошладилар. Бир четда ийманибгина уни кузатишга чиққан келинчагига бирровгина қараб қўйди. Шаҳло бошқаларнинг олдида ўзини базўр тутиб турганини, узун-узун киприклари орасида ёш сизиб турганини сезди. Уни бу аҳволда ташлаб кетишга кўзи қиймади. Аммо эрта тонгдан хизматга ҳам улгуриши керак. Акмал машинасига ўтирди ва шитоб-ла олға интилди.

Мана, яна ўша катта йўл, дарахтлар, боғлар, шарқираб оқаётган ариқлар... ортда қола бошлади. Йигит кўнглига қил сиғмайдиган аҳволга туша бошлади ва тўсатдан машинасини яна орқага бурди. Баланд, текис тераклар саф тортган кўчага кириб келар экан, олисдан катта йўлга термилганча баҳайбат ўрик тагидаги ўриндиқда омонатгина ўтирган Шаҳлони кўрди. Юраги орзиқиб кетди. Машинадан тушар-тушмас келинчак қувонч билан унга қараб интилди.

– Ўтир машинага, – хотинига нима гаплигини ҳам тушунтирмасдан ҳовли томонга қараб баланд овозда онасини чақирди.

Ичкаридан ўғлининг овозини эшитиб кенг кўйлакларини ҳалпиллатганича Хайри хола ҳовлиқиб чиқиб келди.

– Онажон, келинингизни олиб кетяпман, бир-икки кундан кейин яна олдингизга кузатиб қўяман, – деди-ю машинага ўтирди.

– Ҳай-ҳай болам, тузукроқ кийимларини кийиб олсин, дўст-душманнинг олдида оловдеккина бўлиб турсин...

– Ялтироқ кийимларсиз ҳам ўзи оловдеккина, – дея бошини машинадан чиқариб онасининг гапини ҳазил аралаш бўлди. – Онажон, тезроқ дуо қилинг, йўл олис, эртароқ етиб олишимиз керак.

– Акмалжон, шунақа кутилмаганда қиладиган ишларинг ҳеч қолмади-қолмади-да, – онаси шундай деганича боя келини ўтирган ўриндиққа ўтирди ва болалари ортидан қўлларини дуога очди.

Яна ўша катта йўл, сервиқор дарахтлар, боғлар... Машинанинг ичи қувноқ суҳбат ва кулгуларга тўлди. Борлиққа сукунат чўкиб, тун киргани ни ҳам сезмай қолдилар.

– Яна бироздан сўнг Тоҳир-Зуҳра боғига етамиз, – овозида мамнуният билан маълум қилди Акмал.

– Акмал ака, йўл ёришиб кетаётганга ўхшайди.

Буни йигит ҳам сезди. Мана, ўша сеҳрли боғ, севишганлар боғи. Машинани йўл четқасига тўхтатиб тушдилар ва боғ томон қўл ушлашиб юрдилар... Тунги боғнинг таровати бўлакча эди. Хиёл ўтмай у кундуздек ёришиб кетди. Ва кўз олдиларида ям-яшил боғча намоён бўлди. Анвойи гуллар орасидан аввал қўнғироқдек тиниқ қиз кулгуси эшитилди, дам ўтмай унинг ўзини ҳам кўрдилар... Қирққокилли Зуҳра... унинг кетидан ўктам бир йигит Тоҳир чиқди. Боғ қувлашмачоқ ўйнаётган ошиқ-маъшуқларнинг қувноқ кулгулари билан тўлди.

Улар бу мафтункор манзарадан кўз ололмай қолдилар. Овоз чиқарсалар ошиқ-маъшуқларни чўчитиб қўядигандек, секинлик билан ортларига қарай-қарай машина томон йўл олдилар. Қувончлари чексиз эди. Тоҳир ва Зуҳрани кўрган эдилар... Ўзлари ҳам мисли Тоҳир-Зуҳра каби эдилар... пок, мусаффо қалбли...

Шу воқеадан бироз вақт ўтиб уларнинг оиласида эгизак фарзандлар дунёга келди. Мастура билан Шаҳло опасингилдек бўлиб кетдилар. Рашк... бу ҳақда... Яхшиси гапирмай қўя қоламиз. Энг муҳими, ёш эр-хотин бир-бирлари учун яралганларини аллақачонлар билиб олишганди, тунги боғ эса улар гапиришдан ҳеч зериқмайдиган энг кўнгилли суҳбатга айланди.

Инобат ҲОДИРҲОҲОВА.

ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

ҒАЛМАНА

Керакли масаллиқлар: 500 г ун, 1 ст. сув,1 ч.қ. туз, 1 ст сметана ёки 100 г сарёғ (юмшатилган), 1 боғ кўк пиёз, 3 ош.қ. ўсимлик ёғи, шакар ёки шакар кукуни.

Хамирни одатдагидек қориб, зувалачаларга бўлаклаб, 10-15 дақиқа тиндирилади. Сўнгра юпқа қилиб ёйилади. Унга сарёғ ёки сметана бир текисда суртилади ва майда тўғралган кўк пиёз сепилади. Хамирнинг тўрт томонини ўртага буклаб, конверт ҳолатига келтирилади. Қиздирилган қозонга сарёғ суртилиб, «конверт»чаларнинг иккала томони қизаргунча пиширилади. Лозим бўлса, пишириш давомида 1-2 томчидан ёғ қуйилади.

Таом устига шакар ёки шакар кукуни сепиб, дастурхонга тортилади.



ЖАРКОЕ «ОТМЕННОЕ»

ПОНАДОБИТСЯ:

2 куринных окорочка; 7-8 средней величины картофелин; 1 луковицы; 1 стакан красной фасоли; 1 стакан кефира; 2 ст. л. майонеза; 100 г тертого сыра, соль и перец по вкусу; растительное масло для жарки; фольга.

ПРИГОТОВЛЕНИЕ:

1. Разрубить окорочка пополам, посолить, поперчить, залить смесью кефира и майонеза, оставить на 1 час.

2. Фасоль отварить в подсоленной воде до полуготовности. Картофель нарезать кубиками, посолить, обжарить в масле (5-7 мин). Окорочка обжарить в масле, не смывая заливку. Лук порезать кольцами.

